Книги на дом

Тошкент оқшоми

Ижтимоий-сиёсий шаҳар газетаси

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган

№ 116 (8. 314) ◆ 1993 йил ◆ 1 июль, пайшанба ◆ Нархи 10 сўм.

Ўзбекистон Республикаси вазирлар маҳкамасининг қарори

АМИР ТЕМУР ҲАЙКАЛИНИ ЯРАТИШ ТЎҒРИСИДА

Жаҳон тарихида ўчмас из қолдирган буюк давлат асосчиси, Шарқнинг улуғ саркардаси, илм-фан ташкилотчиси ва ҳомийси, миллий маданият ва меъморчилик санъатини ривожлантиришга улкан ҳисса қўшган шавкатли бобокалонимиз соҳибқирон Амир Темур хотирасини абадийлаштириш мақсадида, республика жамоатчилиги, ижодий ташкилотлар, олимлар, ёзувчилар ва зиёлиларнинг ҳоҳиш-иродасини ҳисобга олиб, Вазирлар Маҳкамаси қарор қилади:

1. Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг икки йиллиги муносабати билан Ватанимиз пойтахти Тошкент шаҳрида Амир Темур ҳайкали ўрнатилсин.

2. Амир Темур ҳайкалини яратиш бўйича ташкилий қўмита таркиби иловага мувофиқ тасдиқлансин.

3. Ёдгорлик мажмуини лойиҳалаш, яратиш ва қуриб битказиш билан боғлиқ барча ишларни шу йилнинг 25 августигача тўла тугаллаш таъминлансин.

4. Собиқ Инқилоб хиёбонига Амир Темур номини бериш ҳамда шу хиёбонни ёдгорлик мажмуи моҳиятига мувофиқ равишда таъмирлаш ва тиклаш бўйича Тошкент шаҳар ҳокимлигининг таклифи қабул қилинсин.

(Давоми 2-бетда).

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони

1993 ЙИЛНИНГ 1 ИЮЛИДАН МЕҲНАТ ҲАҚИ, ПЕНСИЯЛАР ВА СТИПЕНДИЯЛАРНИНГ МИҚДОРЛАРИНИ ОШИРИШ ТЎҒРИСИДА

Республика аҳолисининг ижтимоий муҳофазасини янада кучайтириш мақсадида:

1. 1993 йилнинг 1 июлидан бошлаб Ўзбекистон Республикасининг ҳудудида:

иш ҳақининг энг оз миқдори ойига 11.250 сўм қилиб белгиланиб, иш ҳақи ўртача 1,5 баравар оширилсин;

фуқароларнинг солиқ олинмайдиган даромадларининг энг паст даражаси ойига 11.250 сўм миқдорида;

меҳнат пенсиясининг энг оз миқдори ойига 12.185 сўм қилиб белгилансин, ҳозирги вақтда амалда бўлган барча турдаги пенсияларнинг миқдорлари 1,5 баравар оширилсин.

2. Олий ўқув юртлари талабаларининг, техникумлар ва ҳунар-техника билим юртлари ўқувчиларининг стипендиялари 1,5 баравар кўпайтирилсин. Талабаларнинг ошхоналари ва буфетларида тушлик овқатларнинг қийматидан 50 фоизли чегирмалар сақлаб қолинсин.

3. Ўзбекистон Республикасининг Молия вазирлиги иш ҳақини, пенсиялар ва стипендияларни оширишга мазкур фармонда кўзда тутилган сарф-харажатларни пул билан таъминлаш манбаларини аниқлаб, иш ҳақини ошириш билан боғлиқ қўшимча харажатларнинг 25 фоизи бюджет муассасалари ва ташкилотларининг сметалар бўйича умумий харажатларини қисқартириш ҳисобидан таъминланишини назарда тутсин.

4. Мулкчилик шаклларидан қатъи назар, хўжалик ҳисобидаги корхоналар ва ташкилотларга ўзларининг даромад манбалари ҳисобидан иш ҳақининг янги энг оз миқдорларини жорий этиш ва меҳнат ҳақини ошириш, даромад манбалари вақтинча етишмай қолган тақдирда эса банк муассасалари аниқ мақсадни кўзлаб берадиган имтиёзли кредитлар ҳисобидан ошириш тавсия қилинсин.

Ўзбекистон Республикасининг Марказий Банки, тижорат банклари Пенсия жамғармасини, корхоналар, ташкилотлар ва муассасаларни йиллик уч фоиздан ошмайдиган тўлов шарти билан зарур мақсадли кредит маблағлар билан таъминласинлар.

5. Бюджетдан пул билан таъминланадиган вазирликлар ва идоралар, Қорақалпоғистон Республикасининг Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ҳамда Тошкент шаҳар ҳокимлари, ташкилотлар ва муассасалар ушбу фармонда белгиланган энг оз иш ҳақи миқдорига асосланиб, меҳнатга ҳақ тўлаш бўйича ягона тариф сеткаси разряларига мувофиқ ходимларнинг мансаб окладлари ўз вақтида қайтадан ҳисоблаб чиқилиши ва тўланишини таъминласинлар.

6. Ўзбекистон Республикасининг ижтимоий таъминот вазирлиги мазкур фармонга мувофиқ пенсияларнинг миқдорларини қайтадан ҳисоблаб чиқсин.

7. Ўзбекистон Республикасининг Марказий Банки республика корхоналарига, ташкилотлари ва муассасаларига иш ҳақи ўз вақтида тўланишини таъминловчи чораларни кўрсин.

8. Ушбу фармон бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Вазирлар Маҳкамаси зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикасининг Президенти

И. КАРИМОВ.

Тошкент шаҳри,
1993 йил 29 июнь.

ГУЛЛА-ЯШНА, ҲУР ЎЗБЕКИСТОН!

Тошкентда Ўзбекистон Республикаси мустақиллиги кунининг икки йиллигига тайёргарлик авж олиб кетди

Вазирлар маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси мустақиллиги кунининг икки йиллигига тайёргарлик кўриш ва уни байрам қилиш тўғрисида»ги қарори Тошкент шаҳри меҳнат жамоалари, барча аҳолиси томонидан қизғин қарши олинди. Мазкур қарорда бу шонли санага тайёргарлик кўриш даврида қайта тикланаётган миллий қадриятлар, анъаналар ва урф-одатларни кенг тарғиб этиш, ёш авлодни ватанпарварлик ва миллий ифтихор руҳида тарбиялаш, шодиёналарни юксак ғоявий ва маданий-бадиий савияда ўтказиш алоҳида таъкидланади.

«Тошкент оқшоми» газетаси таҳририяти ҳам ана шу қутлуғ сана муносабати билан бугундан эътиборан «Гулла-яшна, ҳур Ўзбекистон!» доимий рукнини очди. Шу рукн остида бериладиган мақолаларда байрамга тайёргарлик кўришнинг бориши ҳар томонлама кенг ёритиб борилади.

Бугун Ўзбекистон пойтахтида Мустақиллик кунининг икки йиллигига кўрилаётган тараддуд ҳақидаги дастлабки хабар ва мақолаларни эълон қиляпмиз.

Янгиликлар, воқеалар, хабарлар

Мустақиллик майдони оқшом чўкканда айниқса гўзал бўлади. Юзлаб чироқлар юлдузлар билан баҳс бойлашади.

ЯНГИ ҚИЁФА КАШФ ЭТАДИ

Шу кунларда бутун диёримизда Ўзбекистон Республикаси Мустақиллиги кунининг икки йиллик байрамига қизғин тайёргарлик бормоқда. Бу муҳим ва шарафли ишда пойтахтимиз аҳли ҳам жонбозлик кўрсатмоқда. Шу муносабат билан мухбиримиз Тошкент шаҳар Ҳокими маҳкамасининг ободонлаштириш бош бошқармасида бўлиб, бошқарма бошлиғи Маҳамаджон Зуфаров билан суҳбатлашди.

— Маҳамаджон Зоирович, куни кеча матбуотда Ўзбекистон Республикаси мустақиллиги кунининг икки йиллигига тайёргарлик кўриш ва уни байрам қилиш тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар маҳкамасининг қарори эълон қилинди. Айтингчи, ушбу ҳужжат юзасидан ҳозирда бошқармада қандай тадбирлар амалга оширилмоқда?

— Очиғи бу қарор айниқса ободонлаштирувчилар зиммасига катта ва масъулиятли вазифани юклайди. Чунки шаҳар кўрки ва унинг ташқи қиёфасининг байрамона безатилиши кўп жиҳатдан бошқармамиз хизматчиларининг меҳнатига боғлиқ. Шуни ҳисобга олиб байрам тайёргарлигига анча эрта киришганмиз.

Анчадан бери пойтахтимиз дарвозаси Шимолий вокзалда ер ости машина йўли, шунингдек, Жанубий вокзалда эса ер ости пиёдалар йўли қурилиши олиб борилмоқда. Бу хусусда шуни айтиш мумкинки, ҳозир бу жойларда ишлар тугалланмоқда. Байрам куни ҳар иккала иншоот шаҳар аҳолиси ва меҳмонларига тўла хизмат кўрсатади. Бугунги кунда ушбу йирик иншоотларни бунёд этишда жонбозлик кўрсатган қурилиш ташкилотлари номларини тилга олгинг келади. Улар — 7-кўприк қурилиши трести ва унга қарашли 13-кўприк қурилиши бўлими, 75-қурилиш бошқармаси, шаҳар йўлларини таъмирлашқурилиш трести, Ўрта Осиё темир йўллари бошқармасига қарашли қурилиш ташкилоти ва бошқа кўпгина бунёдкорлардан иборатдир.

Шунингдек, байрам арафасида Ҳамза ва Воровский кўчалари ҳам тўла ишга туширилади. Шу ўринда бир нарсани айтиб ўтиш диққатга молик. Юқорида тилга олган участкаларимиздан бири Жанубий вокзал ер ости пиёдалар йўлида йўловчилар учун қатор қулайликлар яратиш кўзда тутилган. Уларга ер ости дўконлари, маиший хизмат тармоқлари хизмат кўрсатади.

Яна бир янгилик. Мустақиллигимизнинг икки йиллиги кунида «Инқилоб» хиёбони ҳам ўзгача қиёфа кашф этади. Бу жойда Амир Темур ҳайкали қад ростлайди. Ҳозир лойиҳачилар ва ҳайкал бунёдкорлари қизғин иш олиб боришяпти.

Умуман ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ишидан биронта даҳа ва кўча четда қолмайди.

Суҳбатдош Маҳмуд ОРИПОВ.



Самодан қараган киши шаҳримиздаги бинолар қанчалар кўркам эканлигига амин бўлади.

Ислом КАРИМОВ:

ИСЛОҲОТДАН МАҚСАД ХАЛҚ ТУРМУШ ДАРАЖАСИНИ ЮКСАЛТИРИШДИР

29 июнь куни Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов республика Вазирлар Маҳкамаси, ижтимоий таъминот, меҳнат вазирликлари, Ўзбекистон Касаба уюшмалари федерацияси ҳамда тармоқ касаба уюшмалари кенгашларининг вакиллари иштирокида бозор муносабатларига ўтиш шароитида аҳолини ижтимоий ҳимоялаш масалаларига бағишланган кенгаш ўтказди.

Мамлакатимиз Президенти бозор иқтисодиётига ўтиш даврининг асосий йўналишлари белгилаб олинаётган ҳозирги вақтда республикамиз меҳнаткашларининг вакиллари билан маслаҳатлашиб олиш катта аҳамиятга эга эканини таъкидлади. Эндиликда Ўзбекистон иқтисодий тараққиётида янги босқич — туб ўзгаришлар даври бошланмоқда. Маркаазий Осиё давлатлари ҳамда Россияда юз бераётган воқеалар мамлакатимиз аҳолисини ижтимоий ҳимоялаш масаласига янада жиддийроқ ёндошишни тақозо этмоқда. Агар зарур чоралар кўрилмаса, воқеалар қандай оқибатларга олиб келиши мумкинлигини олдиндан кўра билмасак, эртага халқимиз моддий жиҳатдан оғир аҳволга тушиб қолиши мумкин. Бундай шароитда Ўзбекистонда маъмурий-буйруқбозлик ва марказлаштирилган тақсимот тизимидан бозор муносабатларига ўтиш даврининг ўзига хос тамойиллари ишлаб чиқилгани тўғри бўлганини ҳаёт қайта-қайта исботлаяпти.

Биз, деди Ислом Каримов, турли мамлакатларда бўлганимизда, давлат ва ҳукумат раҳбарлари, сиёсатдон ва ишбилармон кишилар билан суҳбатлашганимизда танлаб олган йўлимиз мамлакатимиз шароити учун ниҳоятда мақбул эканини ҳис этдик. Ривожланган Ғарб давлатлари тажрибасидан кўр-кўрона нусха кўчира бошлаган баъзи республикаларда ҳам халқнинг турмуш тарзи, меҳнатга муносабати, тарбиясини ҳисобга олмай туриб кўзланган мақсадга эришиб бўлмаслигини англай бошлашди. Чунки Ғарб мамлакатларида ҳеч қачон биздагидай тенглаштириш ва шунга яраша одамлар руҳиятида боқимандалик кўникмаси бўлмаган. Ҳар бир нарсага боқимандалик нуқтаи назаридан ёндошиш одамларни ялқов қилиб қўяди, улардаги меҳнатга, яратувчиликка бўлган интилишни сўндиради. Меҳнатга яраша ҳақ тўламаслик оқибатида тенглаштириш вужудга келади. Одам меҳнатига, малакасига, ишининг сифатига яраша ҳақ ололмайди. Натижада одам қотиб қолади. Империя давридагидек, Кремлнинг юлдузи бор, давлат бор, оч қолмаймиз, деган кўникмага асир бўлади. Меҳнатга бундай муносабатни ўзгартириш ва бу борада Германия, Швейцария каби ривожланган мамлакатлар даражасига етиб олиш учун кўп заҳмат чекишга тўғри келади. Шунинг учун биз ўз йўлимизни танлаётган пайтда маҳаллий шарт-шароит, кўп минг йиллик тарихимиз, турмуш тарзимиз, қолаверса, Ислом фалсафаси билан боғлиқ дунёқарашимизни ҳисобга олмаслигимиз мумкин эмас эди. «Шок терапияси»ни танлаган мамлакатлар тажрибаси бизнинг йўлимиз оқилона ва мақбул эканини кўрсатмоқда.

(Давоми 2-бетда).

ТУҲФА

РЕСПУБЛИКАМИЗНИНГ мустақилликни қўлга киритганига икки йил тўлиши муносабати билан пойтахтимизда ҳам тайёргарликлар қизғин бормоқда. Айниқса бу борада шаҳримизнинг марказида жойлашган В. И. Ленин музейи эндиликда «Ўзбекистон тарихи музейи»га айлантирилиб, кўпгина хайрли ишлар амалга ошмоқда. Бу бино муҳташам ва улуғвор бўлиб, Ўзбекистон Фанлар Академиясига қарашлидир. Шунинг учун ҳам фан фидойиларининг бу ерда олиб бораётган ишлари таҳсинларга сазовордир.

Мустақилликнинг икки йиллигига бағишлаб, бинонинг 3 ва 4-қаватларида янги, доимий кўргазма ташкил этилмоқда. Бу экспозиция Ўзбекистон тарихининг энг қадимги даврлардан то ҳозирги кунимизгача бўлган воқеаларни акс эттиради. Кўргазма музейда илгари ташкил этилган экспозициялардан тубдан фарқ қилади. Ундаги ҳар бир мавзу янгича қарашлар асосида ўрганиб чиқилиб, воқеаларни кенгроқ ёритишга уринилган. Музей кўргазмасининг алоҳида бўлими мустақил Ўзбекистонимизга бағишланган бўлиб, унда республиканинг истиқлол йўлида қўяётган дадил қадамлари акс эттирилади. Ҳужжатлар ва фотосуратлар Ўзбекистоннинг ўтаётган икки йил ичида босиб ўтган йўлини ва ўзгаришларни тўла мужассамлаштирган.

Музей бундан ташқари қатор мавзуларда кўчма кўргазмалар ташкил этишни мўлжаллаб қўйган. Музей жамоаси бу катта байрамни муносиб кутиб олишга бутун кучи ва иқтидори билан ҳаракат қилмоқда.

Фарҳод ҲАКИМОВ.

ТАНТАНА МАРКАЗИ—«УМИД»

Ўзбекистонимиз истиқлолга юз бурганидан кейин энг улуғвор, халқимиз қалбидан мустаҳкам ўрин олган ажойиб байрам — Мустақиллик куни бўлиб қолди. Бу ўзбек тупроғининг ҳақиқий озодликка эришиб ўз тақдирини ўзи белгилаётганидан яққол далолатдир. Ҳозир мустақиллик кунини муносиб нишонлаш учун шаҳримизнинг барча туманларида қизғин тайёргарлик ишлари бошланиб кетди.

— Туманимизда байрамга тайёргарлик тадбирлари айни авжига чиққан паллада,— дейди биз билан суҳбатда Мирзо Улуғбек тумани ташкилий ишлар бўлими мудири Олег Репин,—чунончи, туманимиз Ўзбекистон халқ ноиблари тасарруфидаги 9 та мавзега бўлингани ишимизни бирмунча енгиллаштирмоқда. Мазкур мавзелардаги маҳаллалар комитетларининг раислари туман ҳокимининг ўринбосарлари, турли мажмуаларнинг раҳбарлари билан баҳамжиҳат иш олиб бормоқдалар. Қувонарлиси шундаки, Мустақиллик кунини муносиб нишонлаш учун ҳар бир мавзе ўзининг дастурига эга. Масалан, 22-мавзеда ҳудудни тозалаш, ободонлаштириш бўйича тадбирлар мажмуи ишлаб чиқилиб, унинг асосий йўналишлари туман ҳокими томонидан тасдиқланди. Тумандаги қайси маҳаллада иш энг яхши ташкил этилганлиги бўйича танлов ўтказилади. «Маҳалла» дастурига кўра маҳаллалар комитетлари таъмирланади, кўчалар кенгайтирилиб каналлаштирилади ва ўтказилади.

Шунингдек, кабелсозлар маданият уйи атрофида савдо расталарини қуриш, Улуғбек шаҳарчасида эса чойхона иккинчи навбатини битказиш, бозорни қайтадан тиклаш, сабзавот дўконини таъмирлаш ишлари Мустақиллик байрами арафасида тугалланади.

Мустақиллик кунининг икки йиллигига бағишланган асосий тантаналар эса «Умид» спорт мажмуида ўтказилади.

Дамир ИСМОИЛОВ.

ҚИЗҒИН ТУС ОЛДИ

Юнусобод туманида Ўзбекистон Республикаси Мустақиллик кунининг икки йиллигига тайёргарлик қизғин тус ола бошлади. Айни пайтда байрамни ўтказиш ташкилий комиссияси тез-тез йиғилишлар ўтказиб турибди. Режадаги ишларнинг қай йўсинда бораётгани муҳокама қилиниб борилянти.

Олой бозори қурилиши, қулай ва замонавий дўконлар растаси қуриш жадал олиб борилмоқда. Марказий хиёбонга буюк бобокалонимиз Амир Темур ҳайкалини ўрнатиш, ободонлаштириш ишларини давом эттириш кўзда тутилган.

Ўзбекистон миллий тарихи музейи ва собиқ қадимий нодир буюмлар музейи қошида дипломатия клуби очилиши мўлжалланмоқда. Шу кунларда байрам олдидан шиорлар, паннолар ва уларда мустақил Ўзбекистон рамзи, истиқболли келажаги акс этадиган манзарали плакатлар тайёрлашга киришилди. Бундан ташқари байрам олдидан хайрия концертлари, қизиқарли томошалар уюштириш ҳам кўзланмоқда.

Шаҳримиз марказидаги «Туркистон» театрида пардозлаш ишлари ниҳоясига етказилади.

Эркин ЭСИРГАДИЕВ.

ИККИ ЙИЛЛИККА—ИККИ ОЙЛИК

РЕСПУБЛИКАМИЗ мустақилликка эришгандан кейин барча жабҳалар каби шаҳар маданият Бош бошқармаси ҳам маънавий қадриятларимизни тиклашда, миллий маданиятимизни юксалтиришда талайгина ишларни амалга оширди.

Халқимизнинг унутилган ва унутилаётган миллий анъаналари, урф-одатларини, айниқса, халқ оғзаки ижоди, амалий санъатнинг нозик соҳаларини тиклаш, уни тарғиб қилиш ва халққа қайтариш борасида салмоқли ижобий натижаларга эришди. Шаҳримиздаги ҳамма бадиий ҳаваскорлик, халқ фольклор-этнографик жамоалари мустақиллигимизни мустаҳкамлаш йўлида, ҳамшаҳарларимизнинг маданий савиясини юксалтиришда тинмай меҳнат қилмоқдалар. Мустақиллигимизнинг бир йиллигини кенг нишонлашда, анъанавий Наврўз байрами тантаналарини ўтказишда, шунингдек турли хил халқ сайилларини ташкил қилишда юқоридаги жамоаларнинг хизматлари катта бўлган эди.

Айни пайтда шаҳар маданият бошқармаси ходимлари Ўзбекистон мустақиллигининг икки йиллигини кутиб олишга қизғин ҳозирлик кўрмоқдалар. Шунга мувофиқ республика маданият ишлари вазирлигининг Мустақиллик кунининг икки йиллигига тайёргарлик кўришга бағишланган умумий йиғилишида шаҳар маданият ходимларининг амалга ошиладиган вазифалари ҳам аниқлаб олинди. Ана шу вазифаларга биноан шаҳар маданият бош бошқармаси икки ойлик иш режаларини ишлаб чиқди.

Мустақилликнинг икки йиллик ижодиёти марказлари иштирок этадилар. Хусусан, шу куни шаҳримизнинг «Боғи эрам» маданият ва истироҳат боғида «Ҳур диёрим бор менинг», деб номланган театрлашган бадиий композиция; «Ўзбекистон миллий боғи»да «Осмонинг мусаффо бўлсин, мустақил юртим» мусиқий байрам сайли; «Меҳржон» боғида «Гулла, яшна, ҳур Ўзбекистон»; Улуғбек куни шаҳар миқёсида кенг нишонланади. Унда мавжуд ўн бир тумандаги маданият уйлари, бадиий ҳаваскор жамоалари, фольклор-этнографик вокал чолғу, болалар дасталари, дорбозлар, карнай-сурнайчилар гуруҳлари, халқ боғида «Икки ёшинг муборак Ўзбекистоним менинг»; Фурқат боғида «Истиқлолинг абадул-абад бўлсин»; Усмон Носир боғида «Нур тўла бўстонимсан»; Акмал Икромов боғида «Ҳур ўлканинг ҳур фарзандлари», деб номланган болаларнинг байрам сайиллари бўлиб ўтади. Бундан ташқари Зафар Диёр, Абдулла Қодирий, Оймўма, Гулшан номли маданият ва истироҳат боғларида ҳам ана шундай тадбирлар ўтказилиш кўзда тутилмоқда. Шу билан бирга урф-одатларимиз, удумларимизга хос бўлган маърифий тадбирлар ҳам режалаштирилмоқда. Жумладан, «Ўзбекистон миллий боғи»да «Меҳр-оқибатли, имонли бўлайлик» мавзусида отахонлар давраси, Гулшан боғида «Ўзбекистон гуллари» танлови ўтказилади. Шунингдек, ҳамма боғларда миллий халқ ўйинлари бўйича беллашувлар ҳам ташкил қилинади.

Назира ҚУРБОН қизи.

ИСЛОҲОТДАН МАҚСАД ХАЛҚ ТУРМУШ ДАРАЖАСИНИ ЮКСАЛТИРИШДИР

(Давоми. Боши 1-бетда).

Ўзбекистонда бозор муносабатларига ўтиш тамойилларини кўпчилик яхши билади. Уларни қайтариб ўтиришга ҳожат йўқ. Бироқ кучли иҳтимоий сиёсат тамойилига алоҳида урғу беришга тўғри келади, негаки, бошқа тамойилларнинг барчаси унга бўйсунади. Бозор муносабатларига ўтиш шароитида иқтисодиётнинг мафкурадан холилиги, давлатнинг ўзи ислоҳотчи бўлиши ҳамда қонунлар устиворлиги мамлакатимиз аҳолисини иҳтимоий жиҳатдан ҳимоя қилишга хизмат қилади. Бу меҳнатга яроқли аҳолисининг қариб ярми, айрим жойларда ҳатто 80 фоизигача қишлоқ хўжалигида банд бўлган, 50 фоиз аҳолиси 18 ёшгача бўлган болалардан иборат республика учун алоҳида аҳамиятга эгадир. Ваҳоланки, Голландия, Германия каби мамлакатларда қишлоқ хўжалигида ишловчилар меҳнатга яроқли кишиларнинг бор-йўғи 4 — 5 фоизини ташкил этади.

Бешинчи тамойилга кўра бозор муносабатларига ўтиш босқичма-босқич амалга оширилиши керак. Ҳамма нарсани ўз ҳолига ташлаб қўйиб бўлмайди. Масалан, Францияда айрим соҳалардаги фондларнинг 40—45 фоизи давлат назоратида. У ерда халқ хўжалигини ривожлантиришнинг беш йиллик режалари асосида иш юритилади. Америкада ҳатто 30 йиллик режалар ишлаб чиқилган. Янги уй қурмай туриб, эскисини бузманг, деганда эски тузумнинг қурилаётган янги жамиятимиз учун фойдали томонларини ҳам йўққа чиқармаслигимиз лозимлиги назарда тутилади. Соғлиқни сақлаш, маданият, маориф соҳаларида бошқаларга ўрнак қилиб кўрсатса арзийдиган ютуқларимиз бор.

Касаба уюшмаларининг асосий вазифаси ҳар бир масалага меҳнаткашларни иҳтимоий жиҳатдан муҳофаза қилиш нуқтаи назаридан ёндошишдан иборат. Қолаверса, бу — давлатнинг ҳам асосий вазифаси. Фуқароларнга ҳар томонлама ғамхўрлик қилган давлатгина одамлар меҳрини қозонади. Бу ғамхўрлик биринчи навбатда мамлакатда осойишталик ва барқарорликни таъминлаш билан боғлиқдир. Чуқур ислоҳотлар ўтказиш учун, аввало, барқарорлик, миллий муроса бўлиши зарур. Мамлакатимиз касаба уюшмалари республика раҳбарияти юритаётган сиёсатни тўғри тушуниб, ислоҳотларни амалга оширишда елкадош бўлаётгани таҳсинга лойиқдир. Бу, айниқса, ўтиш даври қийинчиликларини енгишда муҳим аҳамият касб этади.

Ўзбекистон эндиликда иқтисодий мустақиллик сари дадил одим отмоқда. Сир эмаски, мамлакатимиз иқтисодиёти кўп жиҳатдан Россия билан боғлиқ. У ерда кечаётган жараёнлар республикамизга ҳам таъсир этмай қолмайди. Айниқса, Россия иқтисодиётидаги танглик рублнинг ҳалокатли даражада қадрсизланишига олиб келди. Бир долларнинг баҳоси 1100 рубл атрофида. Бундай шароитда аҳолини иҳтимоий жиҳатдан муҳофаза этиш мамлакатимиз раҳбариятининг бош вазифаси бўлиб қолаверади. Лекин бу муҳофаза асосий озиқ-овқат маҳсулотлари турларига давлат томонидан фақатгина дотация ажратиш орқали амалга оширилади дегани эмас.

Бу масалага сал кенгроқ қараш лозим. СССР даврида ҳар бир меҳнаткаш моддий товар ишлаб чиқариши керак, деган аҳмоқона сиёсат туфайли хизмат кўрсатиш соҳасида ишловчилар сони жуда камайиб кетди. Бошқа мамлакатлар тажрибаси одамларимизни қишлоқ хўжалиги соҳасидан озод қилиб, ўзга соҳаларга йўналтириш ва иш билан банд этиш кераклигини кўрсатмоқда. Шунда ҳар бир меҳнаткаш янги қиймат, янги маҳсулот ва янги миллий даромад яратади. Шундай қилинмаса, вазият ўнгланмайди. Меҳнат унумдорлиги ҳам, ялпи миллий маҳсулот ҳажми ҳам ўсмайди.

Ҳисоб-китобларга қараганда, Ўзбекистон қишлоқ хўжалигида 6,5 миллиондан кўпроқ меҳнатга яроқли киши ишлайди. Шулардан бемалол 3—3,5 миллион кишини хизмат кўрсатиш соҳасига жалб этиш мумкин. Голландияда мазкур соҳада меҳнатга яроқли кишиларнинг 68 фоизи хизмат қилади. Бизда эса бу кўрсаткич 9 фоиздан ошмайди. Сиёсий иқтисод дарсликлари шу вақтгача одамларни хизмат кўрсатиш ва савдо-сотиқ соҳасидан моддий бойлик ишлаб чиқариш соҳасига жалб этишни тарғиб этиб келди. Натижа шу бўлдики, кўпчилик боқимандага айланиб қолди. Айрим ҳисоб-китобларга қараганда, Қашқадарёдаги баъзи колхозларда яшовчилар давлат бюджети ва пенсия жамғармаларидан шу колхознинг йиллик даромадидан 2—2,5 баробар кўп миқдорда пенсия ва нафақа пуллари олишар экан. Бунга қайси давлат хазинаси бардош бера олади? Бу қандай боқиманда жамият? Касаба уюшмалари ана шу саволларга жавоб излаб кўриши керак. Аҳолини иҳтимоий жиҳатдан ҳимоялаш усулларини тубдан ўзгартирмаса бўлмайди.

Бугунги кунда давлат хазинасидан биргина нон учун ҳозирги нархлар билан ҳисоблаганда, йилига 29,2 миллиард сўм, ун учун эса 37 миллиард сўм дотация бериляпти. Шакар учун, унинг чакана нархини 200 сўм қилиб белгиласак-да, 31,8 милиард сўм, гўштнинг нархи 400 сўм бўлгани ҳолда йилига 80 миллиард сўм дотация ажратишга мажбур бўляпмиз. Нархлар икки баробар кўтарилгани туфайли бир йил учун давлат хазинасидан 250 миллиард сўм дотация берилмоқда. Шу тўғримі? Бу фақат озиқ-овқат маҳсулотлари учун ажратилаётган дотация. Транспорт, коммунал хизмат, электр энергияси, сув, квартира ҳақи учун берилаётган имтиёзлар-чи? Масалан, 1 киловатт электр қувватининг таннархи давлатга 18 — 19 сўмга тушаётган бир пайтда истеъмолчилар 1 сўм, шаҳар транспортида ҳар бир пассажирни ташиш таннархи 39 сўм бўлгани ҳолда ҳар бир киши 6 сўм тўламоқда. Бундай мисолларни кўплаб келтириш мумкин. Давлат бюджети даромад қисмининг 40 фоизи аҳолига дотация сифатида қайтарилмоқда.

Бу ерда иҳтимоий адолат тамойили бузилмаяптимикан? Битта нонинг таннархи 80 сўм бўлгани ҳолда 20 сўмга сотиляпти. Ахир, нонни ана шундай тўрт баробар арзон баҳода аҳолининг фақат эҳтиёжманд қисми сотиб олаётгани йўқ-ку! Давлатимизнинг аҳолининг эҳтиёжманд қисмини иҳтимоий жиҳатдан муҳофаза қилишидан ҳамма, ҳатто бойбадавлат кишилар ҳам бирдай фойдаланмоқда. Бу — биринчидан.

Биз бу маблағларни, аввало, касаба уюшмалари таклиф қиладиган мактаблар, болалар боғчалари, дам олиш жойлари қуриш каби мақсадларга йўналтиришимиз мумкин-ку. Агар биз соғлом авлодни тарбиялаб етиштирмоқчи бўлсак, фарзандларимиз, набираларимиз тўғрисида ғамхўрлик қилишимиз керак эмасми? Иккинчидан, давлат хазинасидаги пулларни аҳолининг фақатгина эҳтиёжманд табақаларини иҳтимоий жиҳатдан муҳофаза қилишга сарфлаш зарур.

Учинчидан, корхоналар ишлаб чиқараётган маҳсулотлар нархини чеклаб қўяётганимиз туфайли яна ўзимиз уларга дотация беришга мажбур бўляпмиз. Уларга дотация эмас, эркинлик бериш вақти келди. Ҳар бир корхона имконият қидириб, эркин фаолият кўрсатиши, ишчиларига ҳам шунга яраша иш ҳақи бериши лозим. Иқтисодиётда бирёқлама йўл тутиб бўлмайди. Республикамизда нон маҳсулотларининг 38 тури бўлгани ҳолда дўкон пештахталарида 3-4 турдан бошқасини кўрмайсиз. Келгусида бундай бўлмаслиги учун нон маҳсулотлари ишлаб чиқариш соҳасидаги монополияни тугатиш лозим.

Тўртинчидан, мавжуд тизим бўйича, тайёрланган маҳсулотлар истеъмолчи қўлига етиб боргунча қанча юлғич, ўғрининг қўлидан ўтади. Улардан неча бири назоратчи экани ёлғиз худога аён. Бир вақтлар касаба уюшмаларига назорат қилиш ҳуқуқи берилган эди. Худди ОБХСС ва прокуратуралар етмагандай. Бу билан ўша пайтдаги мамлакат раҳбари ўзининг ва касаба уюшмаларининг обрўсини кўтармоқчи бўлган эди. Марказий Осиё давлатларидаги нарх-навонинг нотекислиги оқибатида чегараларда божхона назоратини ҳам йўлга қўйишга тўғри келди. Лекин назорат билан иш битмайди. Давлатнинг бунчалар кўп назоратчи маъмурларни боқишга маблағи етмайди. Иқтисоднётни қисиб бўлмайди. Ривожланган мамлакатлар аҳолининг айрим қатламларини иҳтимоий жиҳатдан муҳофаза қилишда бошқача йўл тутмоқда, яъни нарх-навони назорат қилиш ўрнига уни эркин қўйиб юбориб, эҳтиёжманд кишиларга ёрдам бермоқда. Бу Швеция моделидир. Бу усул аҳолининг ҳар бир қатлами даромадини аниқлаш орқали амалга оширилади. Шунинг учун ҳам биз касаба уюшмалари билан биргаликда дотацияга ажратилаётган маблағларни мамлакат аҳолисининг эҳтиёжманд қисмига ёрдам тариқасида йўналтиришимиз лозим.

Энг асосийси, мазкур масалада маълум бир тизимни ишлаб чиқишдир.

Бешинчидан, ойлик маошни тартибга солиш лозим. Нарх-наво ошиб бориши билан индексациялаш тизимини жорий этиш ҳам бизнинг вазифамиздир. Лекин пулнинг бу даражада қадрсизланишига бизнинг давлат сабабчи эмас. Россиядаги пулнинг қадрсизланиши бизнинг иқтисодиётга ҳам таъсир кўрсатмоқда. Биз ўз миллий пул бирлигимизга ўтганимиздагина буни амалга ошириш мумкин. Ҳозирги вазиятда эса биз фақат ойлик маошларни оширишга мажбур бўляпмиз. 1991 йилдан бери ойлик маошларни ошириш тўғрисида еттита ҳужжат қабул қилинди. Бу мақсадлар учун ярим триллиондан кўпроқ маблағ, жумладан, 204 миллиард сўм — пенсияларни, 350 миллиард сўм эса — бевосита ойлик маошларни ошириш учун сарфланди.

Афсуски, қўшни республикаларда ойлик маош ва нарх-навони ошириш мусобақаси давом этмоқда. Бу товарларнинг бир республикадан иккинчисига кўчиб юришига сабаб бўлмоқда. Мисолларга мурожаат қилайлик: энг кам ойлик миқдори Россияда 4275, Қозоғистонда — 4500, Қирғизистонда рублга чаққанда 3200, Тожикистонда —2000 сўмни, энг кам пенсия миқдори эса Россияда — 8122, Қозоғистонда — 5000, Қирғизистонда рублга чаққанда — 3200, Тожикистонда— 2000 сўмни ташкил этади. Туркманистонда эса энг кам ойлик маош миқдори миллий валютани муомалага киритиш арафасида 9600 сўм қилиб белгиланди. Россияда энг кам ойлик маош миқдори билан энг юқори ойлик маош ўртасидаги фарқ 22 баробардир. Қўшни республикалардаги вазият Ўзбекистоннинг ички бозорига ҳам таъсир этмасдан қолмаяпти.

Республика ҳукумати шуларни ҳисобга олиб, ойлик маошларни шу йил 1 июлдан бошлаб яна 1,5 баробар оширишга қарор қилди. Шунда энг кам ойлик миқдори 11250 сўмни, ўртача пенсия миқдори 18100 сўмни, олий ўқув юртлари талабаларининг стипендияси 9100 сўмни, ўрта махсус ўқув юртларидаги талабаларники 7100 сўмни ташкил этади. Агар талабаларга берилган қўшимча имтиёзларни ҳам пулга чақадиган бўлсак, бу кўрсаткич 13—14 минг сўмга етади.

Бу яхши, албатта. Бироқ ишчи талабадан кўп ойлик олиши керак. Шундагина иҳтимоий адолат қарор топади.

Биз Россия билан ҳам, бошқа қўшни давлатлар билан ҳам ҳозирча «рубль зонаси»да қолиш тўғрисида келишиб олган эдик. Ўзбекистон Парламенти ҳам «рубль зонаси»да қолиш тўғрисида қарор қабул қилган эди. Бироқ Россия ҳукуматининг бошқа Ҳамдўстлик давлатларини бу зонадан сиқиб чиқариш борасида юритаётган сиёсати уларнинг, жумладан, Ўзбекистон иқтисодиётига ҳам оғир зарба бўлмоқда.

Агар эҳтиёт чоралари кўрилмаса, Ўзбекистон олтин ва пахта эвазига сотиб олган озиқ-овқат маҳсулотлари бошқа республикаларга оқиб кетиши мумкин. Четдан пулнинг ёғилишига қачонгача чидаш мумкин? Лекин миллий валютани муомалага киритиш, аввал айтилганидек, инқилоб билан тенгдир. Бу ҳар бир оила, ҳар бир киши ва ҳар бир корхона ва жамоа манфаатларига дахлдор масала эканини эсдан чиқариб бўлмайди. Иқтисодий мустақилликка эришиш учун республика ўзини нефть ва нефть маҳсулотлари билан таъминлаши, ривожланган мамлакатлар билан алоқаларни йўлга қўйиш учун халқ истеъмоли маҳсулотлари ишлаб чиқариш корхоналарини қуриш каби муаммоларни ҳал этишимиз зарур.

Келгусида биз секин-секин эркин нарх белгиланишига ўтамиз. Бунда ҳар бир эҳтиёжманд онлага коммунал хизмат ҳақини тўлаш, товарлар сотиб олиш учун дотация берилади. Аҳолини иҳтимоий ҳимоялаш бундан сўнг ҳам давом эттирилади. Бироқ бозор муносабатлари бу масалага жиддий ўзгартишлар киритишни талаб этмоқда. Бозор муносабатлари шароитида нархни истеъмолчининг талаби ва ишлаб чиқарувчининг таклифи белгилайди. Маъмурий-буйруқбозлик ва ноз-неъматларни юқоридан тақсимлаш тизими ҳаммани қашшоқ ва тенг қилишга олиб боришини яқин 75 йиллик тарихимиз исботлади.

Энди олтинчи, сўнгги масала. Ишсизлик муаммоси. Нега бизда бошқа ривожланган мамлакатлардаги каби ишсизлик йўқ, деган савол туғилади. Аслида, ислоҳотларга тўсқинлик қилаётган омил ҳам, шудир. Давлатнинг корхоналарга асоссиз бераётган қарзи меҳнат унумдорлигини оширишга халал бераётган ортиқча ишчи кучини ушлаб туришга сарфланмаяптими? Агар одамлар ишсиз қолса, бизда ҳам қашшоқлар кўпайиб кетади, деган нотўғри тушунчадан қутилмоқ лозим. Давлат ҳеч кимни гадо қилиб қўймайди. Лекин ишсизлар бўлмаса, иш жойининг қадри бўлмайди, меҳнатга муносабат ўзгармай қолаверади. Иқтисодий ислоҳотларимиз тақдири, тараққиётимиз кўп жиҳатдан шунга боғлиқ.

Шу вақтгача, бизда ишсизлик йўқ, деб фахрланиб келдик. Ваҳоланки, меҳнат бозорисиз ҳамда ишчи кучи товар бўлмаган шароитда бозор муносабатлари тўғрисидаги гаплар қоғозда қолиб кетаверади.

Ислом Каримов мазкур кенгашни ўтказишдан мақсад республикада амалга оширилаётган иқтисодий ислоҳотлар шароитида аҳолини иҳтимоий жиҳатдан муҳофаза қилиш борасида республика раҳбарияти юритаётган сиёсатга касаба уюшмалари федерацияси ва тармоқ касаба уюшмалари раҳбарларининг муносабатини билишдир, деди.

Шундан сўнг республика Касаба уюшмалари федерацияси ва тармоқ касаба уюшмалари кенгашларининг вакиллари ўз фикр-мулоҳазалари билан ўртоқлашдилар. Мамлакатимиз Президенти ўртага қўйган аҳолини иҳтимоий муҳофаза қилишнинг янги усуллари иҳтимоий адолат тамойилига мос эканини ва бу республика иқтисодиётини иқтисодий буҳрондан олиб чиқиш, одамлар онгидаги боқимандалик кайфиятига барҳам бериб, меҳнатга бутунлай янги муносабат уйғотишнинг муҳим омили бўлишини қайд этдилар.

Иҳтимоий адолат тамойили тушунчасига бўлган янгича муносабатни халқ оммасига тушунтириш ишига касаба уюшмалари раҳбарлари ва фаолларини, оммавий ахборот воситаларини жалб этиш мақсадга мувофиқ, деган мулоҳаза билдирилди.

Ислом Каримов кенгашни якунлар экан, бугунги шароитда миллат равнақи, халқ фаровонлиги йўлида жонини ҳам беришга тайёр фидойи инсонлар, етук раҳбарлар бўлмаса, кўзланган мақсадга эришиш қийинлигини алоҳида таъкидлади. Энди зиммасига масъулият олишдан чўчимайдиган кишилар ишлайдиган замон келди. Ҳамма нарсани бир одам бошқариши қийин. Қачонгача ҳамма нарсага раҳбар жавоб беради, деб жойларда гарданига масъулият олишдан қўрқиб ўтириш мумкин? Агар бошқарув тизимини пирамидага қиёслосак, оғирлик унинг барча бўғинларига баробар тушиши лозим. Қачонгача барча масъулият юқорида турган раҳбар зиммасида бўлади? Бундан буён «Жангни четдан кузатиб ўтирган ҳар бир киши ўзини стратег деб билади» қабилида иш тутиш ярамайди. Тармоқларнинг касаба уюшмалари раҳбарлари ислоҳотларнинг бир-икки кунда самара бериши қийинлигини халққа тушунтиришда республика раҳбариятига ёрдам бериши лозим. Ушбу қийинчиликлар баҳона арзон обрў орттириб қолиш пайида бўлиш энг ёмон иллатдир. Буни кўпгина мамлакатлар тажрибаси тасдиқлаб турибди.

Республика раҳбариятининг ҳам, касаба уюшмалари федерацияси ва унинг тармоқлари ходимларининг ҳам мақсади бир: бозор муносабатларига ўтиш шароитида мамлакатимиз аҳолисини иҳтимоий жиҳатдан пухта муҳофаза қилиш, барча соҳаларни ислоҳ этиш орқали халқ фаровонлигини таъминлашдир. Барчамизни халқ манфаати бирлаштириб туради. Шундай экан, биргалашиб ҳаракат қилайлик.

(ЎзА).

Бугунги кун нафаси

РЕСПУБЛИКАМИЗДА

● 29 июнь куни Вазирлар маҳкамасида коммунал хизмат кўрсатиш соҳасида туб ўзгартишларга бағишланган кенгаш бўлиб ўтди. Унда Ўзбекистон Республикасининг Президенти Ислом Каримов нутқ сўзлади. Кенгашда Бош вазир Абдулҳошим Муталов, Ўзбекистон Президентининг давлат маслаҳатчиси Мавлон Умурзоқов иштирок этдилар.

● Андижонда Бобур таваллудининг 510 йиллигига тайёрлик кўриш ва ўтказиш юбилей комиссиясининг раиси, Бош вазир ўринбосари Муҳаммаджон Қорабоев раҳбарлигида республика юбилей комиссиясининг мажлиси бўлиб ўтди.

● Ўзбекистон «Компасс» жаҳон иқтисодий ахборот тизимига кирди. Қароргоҳи Швейцариянинг Цюрих шаҳрида жойлашган бу тизим ахборотларидан жаҳондаги 150 дан кўпроқ мамлакат тижоратчилари фойдаланишади.

● Ўзбекистон қишлоқ хўжалигини механизациялаш ва электрлаштириш илмий-тадқиқот институтида янада самаралироқ пахта териш техникаси яратишга бағишланган илмий-амалий анжуман бўлиб ўтди.

● Тошкент вилояти ҳокимлигининг ташаббуси билан «Жума — маърифат куни» хайрия тадбирлари ўтказила бошланди. Бундай тадбирларнинг дастлабкиси Бўстонлиқ туманининг Боғистон қишлоғида бўлиб ўтди.

ҲАМДЎСТЛИКДА

● Тожикистоннинг Хатлон вилоятидаги «Россия» жамоа хўжалиги меҳнаткашлари яқдиллик билан ўз хўжаликларига Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов номини беришга қарор қилдилар. Улар Ўзбекистон Президентининг Тожикистондаги биродаркушлик урушига чек қўйишдаги хизматларига миннатдорчиликларини шундай изҳор этдилар.

● Бугун Минскда Ҳамдўстлик мамлакатлари Бош вазирлари ўринбосарлари иштирокида мувофиқлаштирувчи кенгаш ўз ишини бошлади. Унда МДҲ давлат раҳбарларининг 16 июль куни ўтказилиши мўлжалланган навбатдаги олий даражадаги учрашуви кун тартибини ишлаб чиқиш кўзда тутилган.

● Россия Олий Кенгаши АҚШнинг 27 июнь куни Ироқ пойтахтидаги разведка қароргоҳига ракета зарбаси беришини қораловчи баёнот қабул қилди.

● Озарбайжон миллий мажлиси полковник Сурет Гусейновни мамлакат Бош вазири қилиб тасдиқлади.

● Бугун Москва вақти билан соат 18 дан 30 дақиқа ўтганда Россия космонавтлари Василий Циблиев, Александр Серебров ва Франция фуқароси Жан-Пьер Эньередан иборат халқаро экипаж космосга парвоз қилиши керак. «Мир» орбитал станциясида уч ҳафта давом этадиган бу парвоз учун Франция томони 12-15 миллион доллар тўлайди.

● Россия Болтиқбўйи давлатларига табиий газ етказиб беришни батамом тўхтатиб қўйди. Бу ушбу давлатларнинг Россияга 60 миллиард қарзини тўламаётганликлари учун қилинди.

● Молдова миллий банкининг президенти Леонид Талмач республика бу йил ёзда аввал тахмин этилаётганидек, миллий валютасини муомалага киритмайди, деб баёнот берди.

● ВАЗ машиналарининг нархи яна ошди. Эндиликда савдо устамасисиз «Ока» — 2,3 миллион сўм, ВАЗ-2104 — 4 миллион, ВАЗ-2105 — 3,4 миллион, ВАЗ-21061 — 3,9 миллион, ВАЗ-2107 —4,7 миллион сўм турадиган бўлди.

● Россияда шу йилнинг иккинчи ярмида газета ва журналларга обуна бўлганлар биринчи ярим йилликка нисбатан қарийб 30 фоизга камайди.

● 1992 йилда Россияда 2 миллион 761 мингта жиноят қайд этилган. Бир йил давомида мамлакатда жиноят 27 фоизга, жиноятларнинг оғир тури эса салкам учдан бир бараварга кўпайган.

ХОРИЖДА

● АҚШда чиқадиган «Балтимор сан» газетасининг расмий доираларга таяниб берган маълумотларига кўра, Президент Билл Клинтон маъмурияти Қўшма Штатлар биринчи бўлиб ядро қуроли синовини бошламаслиги керак, деган фикрга келмоқда. Маълумки, бугун АҚШ билан Россия ядровий синовларни тўхтатиб туриш учун белгиланган муддатлари тугади.

● Ироқда кенг кўламли ҳарбий машқлар бошланди.

● Малайзия ўз ҳарбий ҳаво кучларини такомиллаштириш мақсадида Россиядан 18 та МИГ-29 қирувчи самолётлари харид қилиб олишга қарор қилди.

* *Ўзбекистон—Франция: ҳамкорлик қирралари*

АМАЛИЙ АЛОҚАЛАР МУСТАҲКАМЛАНАДИ

Киночилар уйида Париж савдо-саноат палатаси амалий доиралари вакиллари билан учрашув бўлиб ўтди. Унда Ўзбекистон уюшмалари ва миллий компаниялари, Миллий банки, турли вазирлик ва идоралар, тадбиркорлар уюшмаси, қатор корхона ва бирлашмалар раҳбарларни иштирок этдилар.

Ташқи иқтисодий алоқалар вазирининг биринчи ўринбосари М. Рустамбеков Ўзбекистон ва Франция амалий доираларининг бу давра суҳбатини очар экан қуйидагиларни таъкидлади.

— 1 сентябрь куни биз Ўзбекистон давлат мустақиллигининг икки йиллигини нишонлаймиз. Ана шу давр ичида республикамизда бирорта ҳам корхона ёпилгани йўқ. Бизда ташқи иқтисодий фаолиятга тааллуқли қатор қонунлар қабул қилинди.

У француз тижоратчиларини қишлоқ хўжалигининг асосий тармоғи — пахтачилик қизиқтираётганлигини айтди. Яқин вақтгача республикада пахта якка ҳокимлиги мавжуд эди. Эндиликда эса бошқа экинларга ҳам катта эътибор берила бошланди.

Аммо Ўзбекистонда қайта ишлаш саноати яхши тараққий этмаган. Шу сабабли етиштирилаётган сабзавот ва мева ҳосилининг учдан бир қисмидан кўпроғи нобуд бўлиб келган. Француз амалий доиралари қайта ишлаш саноатини ривожлантиришга ўз ҳиссаларини қўшишлари мумкин.

Франция ишбилармонлари делегациясининг раҳбари, Париж савдо-саноат палатасининг Ҳамдўстлик мамлакатлари бўйича бюросининг раиси А. Ле Бель шундай деди:

— Бугунги учрашувимизда ўндан ортиқ Франция фирмалари ва компаниялари-нинг вакиллари иштирок этмоқдалар. Уларнинг Ўзбекистонга сафарига пухта тайёргарлик кўрилди. Чунки ҳозирга қадар Франция иқтисодиёти ва унинг амалий доиралари учун Ўрта Осиё минтақаси таниш эмас эди. Эндиликда эса биз амалий алоқаларни жадал ривожлантириш ва чуқурлаштириш имкониятларига эга бўлмоқдамиз.

Эътибор АББОСОВА.

ФОЙДАЛИ МУЛОҚОТ

Сергели тумани ички ишлар бўлими кейинги пайтда жиноятчиларнинг пайини қирқиш, жиноятнинг олдини олиш борасида ибратли ишларни амалга ошириб келмоқда. Шу боис бўлса керак, бу йил олдинги йилларга қараганда жиноятчилик сезиларли даражада камайган. Айниқса, ички ишлар бўлими ходимларининг жойларда турли мавзуда тушунтириш ишларини олиб бориши ҳам ўз самарасини бермоқда.

Куни кеча Сергели тумани ХДП фаоллари, бошланғич партия ташкилотларининг котиблари билан бўлган мунозара ҳам келгусида ўз фойдасини беражак. Унда иштирок этган Сергели тумани ички ишлар бўлими бошлиғи, милиция подполковники Ҳайдар Азизов йиғилганларга туман ички ишлар бўлими ходимлари олиб бораётган ишлар, жиноятчилик ва унинг олдини олишда жамоатчиликнинг ўрни, жойларда кишилар осойишталигини таъминлаш учун кўнгилли халқ дружиначиларини ташкил этиш ҳақида тўхталиб ўтди.

Мулоқотга йиғилганлар ўзларини қизиқтирган кўплаб саволларга жавоб олдилар.

Қизиқарли ўтган мулоқотни Ўзбекистон ХДП Сергели тумани Кенгашининг биринчи котибаси Еқутхон Исоқова олиб борди.

Эргаш ТЕМУРОВ.

САРДОР ЎЗГАРДИ

КУНИ кеча Тошкент шаҳар Ёшлар Иттифоқи Ҳамза тумани комитетининг пленуми бўлиб ўтди.

Унда ташкилий масала кўриб чиқилди.

Бошқа ишга ўтганлиги муносабати билан туман Ёшлар Иттифоқи комитетининг биринчи котиби Баҳодир Садриддинов вазифасидан озод этилди.

Унинг ўрнига шу комитет қошидаги кичик корхона директори лавозимида ишлаб келаётган Шуҳрат Эргашев туман ёшлари сардори этиб сайланди.

Шайдо ХУДОЕРОВА.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарори

АМИР ТЕМУР ҲАЙКАЛИНИ ЯРАТИШ ТЎҒРИСИДА

(Давоми. Боши 1-бетда).

5. Ёдгорлик мажмуини бунёд этиш билан боғлиқ асосий сарф-харажатлар ташкилий қўмита таклифи асосида Вазирлар маҳкамаси заҳирасидан ажратилсин. Самарқанд, Қашқадарё вилоятлари ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари, «Наврўз», Шароф Рашидов жамғармалари, бошқа ташкилотлар, идоралар, айрим фуқароларнинг ёдгорлик мажмуини тиклашда ўз маблағлари билан иштирок этиш ҳақидаги таклифлари эътиборга олинсин.

6. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Бош вазирнинг ўринбосарлари М. Қорабоев ва К. Тўлаганов ҳамда Тошкент шаҳар ҳокими А. Фозилбеков зиммасига юклатилсин.

Вазирлар Маҳкамасининг Раиси
И. КАРИМОВ.

Тошкент шаҳри,
1993 йил 29 июнь.

ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ 1993 ЙИЛ 29 ИЮНДАГИ ҚАРОРИ БИЛАН ТАСДИҚЛАНГАН

Амир Темур ҳайкалини яратиш бўйича ташкилий қўмита рўйхати

Фозилбеков А. И. — Тошкент шаҳар ҳокими, ташкилий қўмита раиси

Салоҳиддинов М. С. — ЎзФА президенти

Матчонов О. — Президент девони етакчи маслаҳатчиси, Ўзбекистон халқ шоири

Ҳайитбоев Э. Қ. — маданият ишлари вазири

Искандаров И. Н. — «Ўзқурилишматериаллари» концерни раиси

Қодиров П. — Олий Кенгаш қўмитаси Раиси, Ўзбекистон халқ ёзувчиси

Воҳидов Э. — Олий Кенгаш қўмитаси раиси, Ўзбекистон халқ шоири

Ёқубов О. — Ўзбекистон халқ ёзувчиси

Орипов А. — Ўзбекистон халқ шоири

Ашрафий Ф. М. — Меъморлар уюшмаси раиси

Аҳмедов Р. — Ўзбекистон Рассомлар уюшмаси раиси

Расулов М. — Тошкент шаҳрининг бош меъмори

Юсупов Р. Г. — Тошкент шаҳрининг бош рассоми

Саркисов П. — «Тошкентқурилиш» бошлиғи ўринбосари

Зуфаров М. З. — Тошкент шаҳар ҳокимлиги ободонлаштириш бошқармаси бошлиғи

Шапиро Я. И. — ҳайкалтарош

Қосимов Т. — ҳайкалтарош

Қодирова Т. — меъмор

Пак В. — ҳайкалтарош

Миртожиев Р. — ҳайкалтарош

Қаюмов Х. И. — Самарқанд шаҳрининг бош меъмори

Мустафоев М. — Шаҳрисабз шаҳрининг бош меъмори

Аҳмедов Б. — тарих фанлари доктори, профессор

Аҳмедов А. — тарих фанлари доктори, профессор, шарқшунослик институти бўлим мудири

Ўринбоев А. — тарих фанлари доктори, шарқшунослик институти бўлим мудири.

«1993 ЙИЛНИНГ 1 ИЮЛИДАН МЕҲНАТ ҲАҚИ, ПЕНСИЯЛАР ВА СТИПЕНДИЯЛАРНИНГ МИҚДОРЛАРИНИ ОШИРИШ ТЎҒРИСИДА» ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОНИГА

Ш А Р Ҳ

Фуқароларнинг, айниқса кам даромадли кишиларнинг, пенсионерлар, талабалар, ўқувчиларнинг иҳтимоий кафолатларини таъминлашга ниҳоятда муҳим аҳамият берилиб, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонига биноан 1993 йилнинг 1 июлидан бошлаб иш ҳақининг энг оз миқдорлари, пенсиялар ва стипендиялар 1,5 баравар оширилди.

Аниқ иқтисодий вазиятни ва ягона «рубль» минтақаси шароитида МДҲ мамлакатларида пулнинг қадрсизланиши юксак даражада эканлигини эътиборга олиб, бизнинг республикамизда 1992 йилдан буён индексация воситаси қўлланиб келинмоқдаки, бу иш ҳақининг энг оз миқдорлари, пенсиялар, стипендиялари вақти-вақти билан қайта кўриб чиқишга ва меҳнат ҳақи миқдорларини оширишга асосланган.

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида иш ҳақининг энг оз даражаси ойига 11.250 сўм миқдорида белгиланади, ваҳоланки, Россия Федерациясида бу кўрсаткич 4275 сўмни, Қозоғистонда — 4500 сўмни, Арманистонда — 3000 сўмни, Беларусда — 6600 сўмни, Туркманистонда — 9600 сўмни ташкил этади.

Иккинчи малака тоифасига эга бўлган ўқитувчиларнинг ўртача ойлик иш ҳақи устама ва қўшимча ҳақларни қўшмасдан ҳисоблаганда тахминан 31.000 сўмни ташкил этади ёки 11.000 сўм кўпаяди, биринчи малака тоифасидаги шифокорнинг ўртача ойлик иш ҳақи тахминан 37.000 сўмни ташкил қилади ёки 12.200 сўм кўпаяди.

Барча турдаги пенсиялар 1,5 баравар оширилади, бунда меҳнат пенсиясининг энг оз миқдори ойига 12.185 сўм қилиб белгиланади.

Россия Федерациясида меҳнат пенсиясининг энг оз миқдори 8.122 сўм, Қозоғистонда — 4500 сўм, Арманистонда — 3000 сўм, Беларусда — 8.250 сўм, Туркманистонда — 9.600 сўм.

Пенсия миқдори ўрта ҳисобда ойига 6.040 сўм кўпаяди ва ойига 18.100 сўмни ташкил қилади.

Олий ўқув юртлари талабаларининг, техникумлар ва билим юртлари ўқувчиларининг стипендиялари ҳам 1,5 баравар оширилмоқда.

Бунинг натижасида олий ўқув юртлари талабаларининг стипендиялари ўрта ҳисобда 9.090 сўмни, техникумлардаги ўқувчиларнинг стипендиялари 7.065 сўмни ва ҳунар-техника билим юртларидаги ўқувчиларнинг стипендиялари 5.915 сўмни ташкил қилади. Бунда улар учун талабаларнинг ошхоналари ва буфетларида тушлик овқатларнинг қийматидан 50 фоизли чегирмалар сақланиб қолинади. Шундай қилиб талабаларнинг умумий даромади ойига 10.310 сўмни, техникум ўқувчиларининг умумий даромади 8.960 сўмни ва ҳунар-техника билим юртлари ўқувчиларининг умумий даромади 7.520 сўмни ташкил этади.

Шуни назарда тутиш керакки, бюджет муассасаларида иш ҳақини ошириш билан боғлиқ қўшимча сарф-харажатларнинг 25 фоизи ана шу муассасаларнинг умумий харажатларини қисқартириш ҳисобидан қидириб топилиши керак.

Ушбу фармонда кўзда тутилган бюджет ташкилотларида иш ҳақини, пенсиялар ва стипендияларни оширишга сарфланадиган харажатлар ойига салкам 45 миллиард сўмни, шу жумладан бюджет ҳисобидан 20 миллиард сўмдан кўпроқни ташкил қилади.

ГАЗЕТА — МУШТАРИЙ — ГАЗЕТА

** Газетхон хабар беради...*

ЙЎЛЛАНМА ОЛДИЛАР

ЮНУСОБОД туманидаги Мукаррама Турғунбоева кўчасига жойлашган 2-Маданият уйида ашула ва рақс тўгараклари қаторида тикув-бичиш тўгараги ҳам ёшларга ҳунар ўргатишда намуна кўрсатмоқда.

Куни кеча мазкур тўгаракнинг мураббияси Мавлуда Толипова моҳир тикувчи-бичувчи шогирдлари Замира Раҳматиллаева, Шаҳноза Азимова, Муяссар Мўминова ва Нозима Ҳакимоваларни синов-кўрикдан ўтказиб, мустақил фаолият олиб боришлари учун Й. Охунбобоев номидаги Бош кийимлар, «Юлдуз» ишлаб чиқариш бирлашмаларига юборди.

Ўйлаймизки, шогирд-чеварлар халқимизга ранго-ранг, бежирим ва кўркам кўйлаклар тикиб, мижозларининг олқишларини олаверадилар.

Абдуфаттоҳ ҳожи НАБИХЎЖА ўғли.

...маслаҳат беради

ЧАНҚОВБОСДИ ИЧИМЛИК ТАЙЁРЛАШ

МАЪЛУМКИ, ёзда одам тез чанқайди. Совуқ сув ёки тўғри келган ичимлик истеъмол қилиш организм фаолиятига салбий таъсир қилиши мумкин. Шунинг учун кўпинча хонадонларда қайнаган сув ёки чойни совутиб, чанқоқ қондирилади. Одатда болалар ширинликка ўч бўладилар. Улар совуқ, чой ёки қайнаган сувни ичгилари келмайди. Бунинг ўрнида турли хил мевалардан тайёрланган чанқовбосди ичимликлар, шарбат тайёрлаш болалар учун жуда фойдалидир.

Мевалардан чанқовбосди ичимликлар, яъни компотни тайёрлаш унча мушкул эмас. Бунинг учун маҳсулотлар бўлса бас. Томорқамиздан терилган ёки бозордан сотиб олинган гилос, олма, ўрик, олхўри, олча, шафтоли каби меваларнинг ўта пишиб кетмаганини олиб бандладан тозаланади. Сўнгра яхшилаб ювилади. Қайнаб турган (3 литр) кострюлдаги сувга бир стакан шакар солинади ва яхшилаб қайнатилади. Шундан сўнг олчани, унинг кетидан икки-уч олмани бўлакларга бўлиб солинади. Бу компотнинг таъмини нордон бўлиб кетишдан сақлайди. Уни ўн беш-йигирма минутлар қайнатиб бўлгандан кейин, совутилади. Бу компот нафақат болаларга балки катталар учун ҳам фойдалидир.

Худди шу ҳолда компотларни қиш учун банкаларга беркитиш ҳам мумкин. Бунинг учун мевалар керакли миқдорда яхшилаб ювилган ва қайнатилган банкалар ичига солиниб устидан қайнатилган шакарли (ширин) сув қуйилади. Банкаларни бирон идишга қўйиб, қопқоқ билан оғзини беркитиб, 10—15 дақиқа секин қайнатилади. Сўнг қўл беркитгич билан қопқоқ маҳкамланиб, қопқоқни пастга қаратиб бир кеча-кундуз сақланади. Тайёр бўлган компотларни омборхонага, иложи борича салқин, қоронғи жойда сақлаш керак. Шунда қишда ҳам бемалол ёз меваларидан баҳраманд бўласиз.

Ботир ҲИДОЯТОВ.

...илҳомланади

ҲУРМАТ ҚИЛ

ЧИН инсон эрсанг магар ота-онангни ҳурмат қил,
Курсатган ёруғ дунёни нури дийдангни ҳурмат қил.

Беқиёс қалб ҳароратин, ёшлигни берган сенга,...
Кўрсат фарзандлик бурчинг меҳрдан иморат қил.

То тириқ эканлар бўл хизматларида сен тайёр
Ҳақлари туганмас абад, сен майли, юз кафолат қил.

Ота-она дуосин олмоқ — чин хазина бирла тенг,
Фурсатни қўлдан берма, ўғлон, бир фаросат қил.

Ўзи бемору вале, сенга тилар саломатлик.
Кўнглин овлаб, хушнуд айла, ҳурматиҳ кўп иноят қил.

Бу дунё ўткинчидир, улар меҳмон, ғанимат бил
Фарзандлик бурчингни оқлаб, чин инсоний адолат қил.

Алар ҳақи адо бўлмас то қиёмат куни қадар
Тавоб айлаб босган изларин, ўзларни зиёрат қил.

Эй, Баҳодир ота-онанг муқаддас бил, муқаддас бил,
Не коринг бўлса, тириклик чоғида ғанимат қил.

Баҳодир СОБИТ.

...мулоҳаза юритади

КИМ ҲАҚ?

ТОНГДА поезддан тушиб Самарқанд шоҳбекатидан 7-трамвайга ўтирдим. Трамвай жилмасиданоқ овоз баландлатгичдан ҳайдовчининг дўрилдоқ, бироз қўполроқ товуши эшитилди.

— Чипта олларинг, қуён бўлиш хаёлларингга келмасин, фақат олди эшик очилади.

Аввалари сўзни «Ассалому алайкум»дан бошлаб, бекатма-бекат қайга келганимизни хушмуомалалик билан эълон қилиб борувчи трамвай ҳайдовчилар шаҳримизда фақат шу йўлда юрса керак, деб юрардим, қарангки, бунинг кўп кўришибди.

Таҳдидли овоз ҳар бир бекатда такрорланиб турди. Кўпмачилар институти бекатига келганимизда йўловчилардан иккитаси ҳайдовчининг измидан чиқди.

— Ака, орқа эшигингизни очворинг, ойлик паттамиз, талабалик гувоҳномамиз ҳам бор.

— Олдинга ўтларинг, шохларинг борми! — дея тўнғиллади ҳайдовчи.

Бунақа текшир, текшир ҳодисаларга бир неча марта дуч келганман. Ахир талабалик гувоҳномасисиз чипта инобатга ўтмагач, унда бу патталарни ишлаб чиқаришнинг нима кераги бор? Унгаям қанча маблағ сарф қилинади.

Дилфуза БУРИБОЕВА,
ТошДУ талабаси.

...ранжийди

ЯНА КИМГА УЧРАШАЙ?

ҲУРМАТЛИ таҳририят! Ушбу мактубни йўллашимдан мақсад биз яшайдиган уйнинг болалар хонасидаги иситгичи исимаслигидадир. Мана ўн йил бўлдики, шу ҳол ҳукм суради. Шу давр мобайнида қанча эшикларни қоқмадим, қанча мутасадди бошлиқларга учрашмадим. Лекин ҳамон додимизга чора тополмаяпмиз.

Ҳар йили иситиш мавсуми тугагач тузатамиз деб ваъда беришади, лекин сўзларининг устидан чиқишмайди. Қайноқ сув келмаганлиги сабабли сантехникларнинг ишини текширишга имконият бўлмайди.

Биринчи ва иккинчи қаватда турувчи хонадонлар уйжой идораси сантехниклари ёрдамида сув йўлини ўзгартириб, ўз батареяларини яхши исийдиган қилиб олишган. Шу сабабли учинчи ва тўртинчи қаватларга иссиқ сув чиқмайди. Бу иш тўғрисида кимларга арз қилмадик? Қайси даргоҳга бош эгиб бормадик? Бари бефойда бўлди, ҳеч ким бу жумбоқни еча олмади, сантехникларни айбига иқрор қила олмадилар.

Шу 5 ой мобайнида эшикма-эшик юриб қисман соғлиғимни ҳам йўқотдим.

Ҳурматли таҳририят! Илтимос қиламан, маслаҳат беринг, яна кимга ёки қайси ташкилотга мурожаат қилсам болалар хонасидаги иситгични созлаб беришади.

Галина БЕЛОНОГОВА,
«Маркав-13», 14-уй, 7-хонадон.

** Меҳр-мурувватли бўлайлик*

САХИЙ ҚАЛБ ЭГАСИ

МУРАККАБ тақдирли инсонларни кўрганда ҳаётни тошқин дарёга-ю, одамларни эса дунё ўз бағрида хоҳлаган томонга олиб кетаётган каттаю кичик тошларга ўхшатгинг келади. Дарё тошни тоғ бағридан юлиб олдими, тамом, хоҳласа маълум масофада ташлаб кетади, хоҳласа узоқ-узоқларга олиб кетади. Ўша масофага боргунча қайсидир тош бутун боради, қайсидир эса дарё синовларига дош беролмай парчапарча бўлиб кетади.

Бектемир туман Фахрийлар Кенгаши раиси Нурвоҳид ака Алеев етмиш тўққиз ёшли Қосим ота Шамсутдинов ҳақида гапириб берганларида у кишини худди шу бебош дарё тўлқинларига бардош берган азамат тошга ўхшатдим. Шундан сўнг бу табаррук отахон билан учрашиб суҳбатлашишга қарор қилдик. Кўринишидан оддий, аммо ажин босган кенг пешонаси, қадоқ қўлларини кўрган киши унинг ҳаётнинг минг бир чиғириғидан ўтганлигини дарров фаҳмлайди. Отахон табиатан камгапроқ экан шекилли суҳбатимиз ҳам унчалик узоққа чўзилмади.

— Эй, ўғлим, бошдан ўтган оғир кунларнинг қайси бирини ҳам сизга айтай,— дея сўз бошлади отахон. — Очарчиликдан минглаб одамларнинг қирилиб кетганиними ёки тўрт йил давом этган шафқатсиз уруш жароҳатларинимми? Биз силадан 4 киши урушга кетган эдик. Мен, икки акам ва отамиз. Отам ҳам, икки жигарим ҳам урушда ҳалок бўлдилар. Фақатгина мен омон қайтдим.

1940 йилда уруш хавфи кучая бошлагач, 26 ёшимда хизматга кетдим. Орадан бир йил ҳам ўтмай уруш бошланди. Урушнинг биринчи кунларидан то охиригача фронтда бўлдим. 1943 йилнинг 10 октябрида Кавказ ортиўлкаларини озод қилишда оғир яраландим. Одессани озод қилишда қатнашиб, ғалабани Берлинда кутиб олдим. Урушдан кейин Тошкентга қайтиб келиб қурилишда ишчи, бригада бошлиғи ва муҳандис прораб бўлиб хизмат қилдим. 66 ёшимда қарилик нафақасига чиқдим. Яшаган умримнинг қисқача мазмуни ана шу.

80 йилдан иборат умрида Қосим ота фақат одамларга яхшилик қилиб, каттаю кичикка ёрдам бериб, ҳожатини чиқариб яшади.

...Суҳбатимизни Бектемир район Фахрийлар Кенгаши раиси Нурвоҳид ака Алеев билан давом эттирдик.

— Мен Қосим отани кўпдан бери биламан, бировга озор бермайдиган, аксинча мумкин қадар инсонларга яхшилик қилсам дейди. Бундай одамлар олдида ҳар қанча таъзим қилсанг арзийди. Яқинда бу киши яна бир улуғ ишга қўл урдилар. Биз бундан бир неча ой олдин Фахрийлар Кенгаши қошида «Меҳрибонлик» деган жамғарма ташкил қилган эдик. Бу жамғармадан асосан қаровсиз қолган, ёлғиз қарияларга, уруш ва меҳнат ногиронларига ёрдам кўрсатилади. Ўзингизга маълум бу йил республика Президентининг фармони билан барча уруш қатнашчиларига Ғалабанинг 48 йиллиги муносабати билан 10 минг сўмдан мукофот пули тарқатилди. Қосим ота ана шу олган ҳамма пулини ҳеч иккиланмасдан «Меҳрибонлик» жамғармасига топширди. Албатта, бу иш ҳам отанинг савобталаб, сахий қалб эгаси эканлигидан далолат беради.

Дарвоқе, ота сингари инсонлар ҳаётимизда учраб туради. Аммо улар кўп эмас. Шундай экан биз бундай кишиларни ардоқлашимиз, улардан ибрат олишимиз керак.

Муҳиддин БОЗОРОВ,

«Қизил тонг» тикувчилик ишлаб чиқариш бирлашмасининг ҳар куни яратувчанлик ва ташаббускорлик билан ўтади. Бекор юрган кимсани учратмайсиз: бу корхона чеварларининг қўллари қўлларига тегмайди. Фидокорлик билан қилинаётган меҳнат ана шундай ширин ташвишлари билан завқли, айни чоғда роҳатлидир.

СУРАТДА: бирлашманинг 6-цех чеварлари Малика Валиева билан Лола Файзиева иш устида.

Андрей Пишненко суратлари.

** Соғлом авлод учун*

ШАРОИТНИ ЯХШИЛАШ ЗАРУР

МИРОБОД туман маҳаллаларининг навбатдаги сайёр йиғилиши 213-ўрта мактабда бўлди. Бу йиғилишда тумандаги 33 та маҳалла фаоллари, туман соғлиқни сақлаш муассасаларининг вакиллари иштирок этдилар. Қўйлиқ-ота маҳалла қўмитасининг раиси Муҳайё Исмоилова Қўйлиқдаги 7 та маҳаллада олиб борилаётган ишлар, «Соғлом авлод учун» амалга оширилаётган тадбирлар ҳақида тўхталди.

— Президентимиз Фармони боис,— дейди у,— касалхоналарда, туғуруқхоналарда ишни яхшилаш билан бирга, атроф-муҳитнинг тоза бўлишига жиддий киришдик. Айниқса, янги туғилган гўдакларни она сути билан боқишга қаратилган жойларда ўтказилган йиғилишларда оналарга керакли маслаҳатлар берилди.

Йиғилишда фарзандларнинг соғлом, жисмоний бақувват ўсиши учун баъзи маҳаллаларда етарли шароитлар йўқлиги, ўйингоҳ учун жой ажратилиши ёки кўп қаватли уйлар олдида болалар майдончалари ташкил этиш лозимлигига маҳаллаларнинг фаоллари диққатларини қаратди.

— Даҳада 21 минг аҳоли истиқомат қилади. Лекин дорихона, кутубхона йўқ. Ошхона зарур. Ҳаммомни айтмасак ҳам бўлади,— деб давом этди раиса. — Бундан уч-тўрт йил илгари 214-мактаб ёнида «Қизил тонг» ишлаб чиқариш бирлашмасининг филиали мавжуд эди. Фарғона йўли кенгаяди деб, филиал бузилди. Оқибатда йўл кенгаймади, ишлаб турган 250 опа ва сингилларимиз уйда ўтириб қолди. Шунинг учун даҳада бирорта қўшма корхонами ёки кичик корхона очиш лозим, деб ўйлайман.

Маъруза юзасидан Қўйлиқ даҳасидаги 2-болалар шифохонаси врачи С. Очилова, акушер М. Тожиева, республика маҳалла хайрия жамғармаси раиси Ш. Темуровлар сўзга чиқишиб, «Соғлом авлод учун» ордени ҳамда жамғармаси ташкил этилганлиги, бу билан алоқадор ҳали кўпгина муаммоларни ҳал қилиш лозимлигига тўхталдилар.

Маҳаллаларнинг сайёр йиғилишига Ҳамза номидаги академик драма театри артистлари ҳам меҳмон бўлиб келдилар. Сора Эшонтўраева, Зикир Муҳаммаджонов, Ёқуб Аҳмедов, Турғун Азизов, Рихси Иброҳимова, Сайёра Юнусовалар иштирокида «Мирзо Улуғбек», «Ғариблар» спектаклларидан парчалар кўрсатилди.

Йиғилишда туман ҳокими В. Чекмарев, шаҳар хайрия жамғармаси масъул ходими Б. Раҳимовлар иштирок этишди.

Исматулла РУСТАМОВ,
Ўзбекистон журналистлар уюшмасининг аъзоси.

ҒОЛИБЛАРГА МУКОФОТЛАР

АҲОЛИГА намунали транспорт хизмати кўрсатишни янада яхшилаш йўлида Тошкент шаҳар йўловчи транспорти корхонаси тадбиркорлик билан иш юритмоқда. Аҳоли транспорти қатновини бир маромга солиш, хизмат маданиятини яхшилаш мақсадида ўтказилаётган танловлар ҳам кутилган ижобий натижа бермоқда. Яқинда шаҳар автокорхоналари ўртасида бўлиб ўтган бундай кўрик зўр уюшқоқлик ва ишчанлик билан уюштирилди.

Тошкентдаги 4-автобус саройи жамоаси танловга пухта ҳозирлик кўрди. Мавжуд имкониятлар ишга солиниб ижодий фаоллик кучайтирилди.

Йил бошида бу корхонадаги газ ёнилғиси билан ишлайдиган 36 та автобус носоз аҳволга тушиб қолди. Натижада йўналишдаги қатновда автобуслар ҳаракати бир маромда бўлмади.

Автокорхона жамоаси танловига ҳозирлик кўриш жараёнида бу нуқсонларга тўла барҳам берди. Ана шу носоз автобуслар ўн кун ичида бензин ёнилғисида ишлашга мослаштирилди. Бошланган иш яхши натижа берди. Танловда бу жамоа 1915 балл тўплаб, биринчи ўринни қўлга киритди.

Шунингдек, 3-автокорхона иккинчи ва 2519-автокорхона эса учинчи ўринни олди. Ғолибларга 150, 100 ва 50 минг сўм миқдорида мукофот пуллари берилди.

Воҳид ВАЛИЕВ.

** Мини бир касб*

ЕТУК МУТАХАССИСЛАР ТАЙЁРЛАЙДИ

РЕСПУБЛИКАМИЗ мустақилликка эришгандан кейин малакали ишчи мутахассислар тайёрлашга эътибор кучайди. Президентимиз Ислом Каримов ўзининг «Ўзбекистоннинг ўз истиқлол ва тараққиёт йўли» рисоласида ҳозирги шароитда мамлакатимиз равнақи учун меҳнат қилишга лаёқатли бўлган юқори малакали маҳаллий мутахассислар тайёрлаш асосий масалалардан бири эканлигини таъкидлаган.

Шу муносабат билан биз шаҳримиздаги энг катта, нуфузли ташкилотлардан бири бўлган Тошкент авиация ишлаб чиқариш бирлашмаси оталиғида ташкил этилган Тошкент авиация-техника лицейининг директори Қ. О. Йўлдошевга бир неча саволлар билан мурожаат қилдик.

— Лицей фаолият кўрсата бошлаганига ҳадемай бир йил бўлади. Унга ўтишдан асосий мақсад нима? Лицейнинг билим юртидан қандай афзаллик томонлари бор? Шулар тўғрисида гапириб бермангиз.

— Бажонидил. Сўнгги пайтда мустақил республикамиз учун малакали маҳаллий мутахассислар тайёрлашга эътибор кучайтирилди. Ўзингизга маълумки, бизнинг авиация-техника лицейимиз илгари С. И. Кадишев номидаги 33-ҳунар-техника билим юрти эди. Ўтган 1992 йилнинг 1 сентябридан биз лицей сифатида фаолият кўрсата бошладик.

Лицейимиз асосан Тошкент авиация ишлаб чиқариш бирлашмаси учун мураккаб касблар бўйича ишчи мутахассислар тайёрлаб беришга мўлжалланган.

Ҳунар-техника билим юртини лицейга айлантирилгандан кейин биз республика олий ва халқ таълими вазирликлари томонидан тасдиқланган янги ўқув режалари бўйича иш бошладик. Шунга биноан ўқитиш, ҳунар ўргатиш тизимини ўзгартирдик. Бунда энг аввало моддий-техника базамизни мустаҳкамладик. Етук малакали мутахассис тайёрлаб бериш учун зарур шароитлар муҳайё қилинди. Мураккаб техника бўйича мутахассислар тайёрлаш учун иқтисодни режалаштириш ва ташкил қилиш асослари, механик ишлов бериш тизимини автоматлаштириш каби янги фанлар киритдик. Бундан ташқари лицейнинг яна бир афзаллиқ томони — унинг мавқеидир.

Сир эмас, кейинги пайтда ҳунар-техника билим юртларининг обрўси бир қадар тушиб кетди. Бунга сабаб мактабларда аксарияти ёмон ўзлаштирган болалар худди шу ерга маҳкум қилингандек жўнатилди. Уларнинг қизиқишлари ҳисобга олинмади.

— Ўқитилиш ишлари қандай бормоқда?

— Айни пайтда техника лицейимизда 380 та ўқувчи таълим олмоқда. Ўқиш муддати ўқувчиларнинг таълим савиясига қараб 6 ойдан 4 йилгача давом этади. Лицей гуруҳларига 9-синфни яхши битирган ўқувчилар танлов асосида қабул қилинади. Бу гуруҳда ўқиш янги педагогик жараён асосида ташкил этилиб, икки поғонада узлуксиз касб таълимини эгаллашга мўлжалланган.

— Ўша поғоналар хусусида батафсилроқ тўхталсангиз...

— Биринчи поғонада 2 йил давомида ўқувчилар умум ўрта таълим билан бирга мураккаб мутахассислик бўйича ишчи касбини эгаллайдилар.

Биринчи поғонада ўқишни муваффақиятли тугатганлар иккинчи поғонада 1 йилу 10 ой давомида ўрта махсус, яъни техникум ҳажмида билим олиш имкониятига эга бўладилар. Биз келажакда учинчи поғонада мутахассис тайёрлаш ниятимиз бор. Ҳозир шу хусусда техника университетининг авиация факультети билан иш олиб бормоқдамиз.

Кези келганда шуни айтиб ўтиш керакки, бу жараёнда ўқувчилар ишчи касби ҳамда техник-технолог мутахассислиги бўйича узлуксиз, бир-бири билан боғлиқ ҳолда эгаллайдилар.

— Ўқувчилар ишлаб чиқариш амалиётини бевосита ишлаб чиқариш бирлашмасида ўтайдиларми?

— Албатта. Икки ой давомидаги ишлаб чиқариш амалиётлари шу ерда ўталади. Бу даврда уларга юз фоиз ҳақ тўланади. Бундан ташқари, боя айтганимдай бизда назариёт билан амалиёт биргаликда олиб борилади. Оталиқ ташкилотимиз — авиация ишлаб чиқариш бирлашмаси бизга ҳамма шароитни муҳайё қилиб қўйган. Ҳатто энг мураккаб тузилишли дастгоҳлардан иборат тажриба цехларимиз ҳам бор.

— Ўқувчиларни ижтимоий ҳимоялаш, маданий дам олишлари қандай ташкил қилинган?

— Республикамиз Президентининг ва ҳукумат қарорларини бажарган ҳолда ўқувчиларни ижтимоий муҳофаза қилишга алоҳида эътибор берилмоқда. Ҳар бир ўқувчи икки маҳал иссиқ овқат, кийим-бош билан таъминланган. Меъёрдаги стипендия жорий қилинган. Бундан ташқари бизда ўқувчилар касаба уюшмаси бўлиб, у Тошкент авиация ишлаб чиқариш бирлашмаси касаба уюшмаси комитети таркибига киради. Йил давомида ўқувчиларнинг дам олиши ҳамда саломатликларини тиклаш учун «Саломатлик», «Кристалл» оромгоҳ ва пансионатларида дам оладилар.

— Янги ўқув йилига қандай тайёргарлик кўрилмоқда?

— Биз янги ўқув йили учун ўқувчилар қабул қилишни бошлаб юбордик. Ўтган йили лицейга 260 нафар ўқувчи қабул қилинган бўлса, бу йил 300 дан ортиқ қабул қилишни мўлжаллаганмиз. Намунали ўқитиш ва малакали мутахассис тайёрлаш учун бор имкониятдан фойдаланмоқдамиз. Мактабларда тарғибот ишларини олиб боряпмиз. Лицейдаги ҳар бир ўқитувчи маълум мактабга бириктирилган. Бу ўзининг яхши самарасини бермоқда. 21 августдан бошланадиган қабул синовлари тест асосида ўтказилади. Айни кунларда синовларга тайёргарлик ишлари олиб борилмоқда.

Суҳбатдош Назира СОДИҚОВА.

СУРАТЛАРДА: лицей ҳаётидан лавҳалар.

** Шахсий фикр*

ЖАВОБСИЗ САВОЛЛАР

МАРКАЗИЙ универсал дўконига кетавершида одамлар тўп-тўп бўлиб турганига кўзингиз тушиб, яқинроқ борганда китоб сотилаётганининг гувоҳи бўласиз. Ҳа, инсон азал-азалдан китобга, унинг сир-асрорга тўла сеҳрли оламига ташна. Ким фарзандига эртаклар тўплами, ким ўқишга кириш учун қўлланма, яна кимдир иштиёқ билан бадиий асар харид қилмоқда. Бу ердан беэътибор ўтиш қийин. Шошиб турган бўлсангиз ҳам оёқларингиз сизни беихтиёр ўша ёққа бошлайди. Ички бир қизиқиш барибир ғолиб келаверади. Нигоҳларингиз билан китоблар уммонида сузиб, бир-биридан чиройли, тасвирлари бетакрор, ранго-ранг расмли китоблар хаёлингизни ўғирлаётганини пайқамайсиз. Аммо улар орасида сиз кимдандир эшитган Усмон Носирнинг шеърий тўпламини, ё Чўлпоннинг романларини учратмай, суриштиришга тушасиз. Сотувчи эса елка қисишдан нарига ўтолмайди.

Нафис қилиб терилган русийзабон аҳолига мўлжалланган китоблар ичида Абдулла Қаҳҳорнинг ҳикоялари, Эркин Воҳидовнинг ёшлигимизда биз талашиб ўқиган «Муҳаббат» шеърий тўпламлари кўринмагач, растадан узоқлашар экансиз, хаёлингизда саволлар қайнайди: «Нима, ўзбек адабиёти шунчалар камбағалми? Ё шоир, ёзувчиларимиз ҳеч нарса ёзмай қўйишдими? Ё ҳамма соҳадаги сингари маънавиятимиз ҳам муаммога айланиб иқтисод чиғиригидан ўтолмаяптими? Зеро, биз маънавиятимизни ҳеч нарсага алмаштирмаслигимиз керак. Бас, шундай экан, ҳамма севиб ўқийдиган «Меҳробдан чаён», «Ўтган кунлар» романлари каби қўлма-қўл ўтиб, меҳримизга сазовор бўладиган асарларни чоп этиш вақти келмадимикан?».

Муқаддас ЮСУПОВА.

** Сизга қандай хизмат кўрсатишяпти?*

ЧАНҚОҒИНГИЗ ҚОНЯПТИМИ?

— ҲАР ҚАДАМДА учрайдиган газ сув дўконлари қайга йўқолди? Улардаги шириндан шакар, муздеккина сувлар-чи?

— Сув ичгич фавворачаларини айтинг. Тошкентнинг қайси бурчагига борманг шундай фавворачаларга кўзингиз тушарди. Улардан отилиб турган зилол сувдан хоҳлаганча ичиб, чанқоғингизни қондирар эдингиз. Ҳозир бундай қурилмаларни дорига ҳам тополмайсиз.

— Наҳот бозор иқтисодиёти шу неъматга ҳам ўз таъсирини ўтказган бўлса?...

Шаҳримиздаги Марказий хиёбонда бўлиб ўтган икки қарнянинг бу суҳбати бизни ўйлантириб қўйди. Беихтиёр атрофга назар ташладик. Дарҳақиқат, шундай катта масканнинг бирор ерида сув дўкони кўзга ташланмасди. Қадимий музқаймоқ сотиш хонаси ва унинг рўпарасидаги чанқовбосди дўконлар ўрнини аллақачон тижоратчилар эгаллаб олишган. Ҳозир бу жойларда сув ўрнига спиртли ичимлик сотиш одат тусига кириб қолган.

Сал берироқ юрсангиз қуруқ савлат тўкиб турган газ сув автоматларига кўзингиз тушади. Гўё улар кўргазма учун ўрнатиб қўйилгандек. Беҳаракат жўмракларнинг ўзи сувга ташна. Карл Маркс кўчасига чиқаверишдаги махсус соябонли жойда эса яхна ичимлик тўла бочка турибди. Бироқ у ҳам ишламайди. Гарчи бочка пешонасига кундузги соат 9 дан кечки 8 гача ишлаши, 13 дан 14 гача эса тушлик пайти эканлиги ёзиб қўйилган бўлса-да, соат 12 бўляпти ҳамки, ҳамон сотувчидан дарак йўқ. Сув-сираган бечора йўловчилар ютинганларича бочкага тикилиб ўтишади.

Қарангки, шундай одам гавжум хиёбонда чанқоқ босишнинг иложи бўлмаса, шаҳримизнинг бошқа жойларида аҳвол қандай экан? Худди мана шу савол бизни йўлга чорлади.

Йиллар ўтган сари Жанубий вокзал катталашиб, қиёфасини ўзгартириб бораяпти. Бир кунда бу ердан республикамизнинг турли вилоятларига озмунча поездлар қатнамайди. Уларга минг-минглаб йўловчилар чиқишади. Шунинг учун ҳам вокзал эртаю кеч одамлар билан гавжум.

Биз бу ерга сув таъминоти масаласи билан қизиқиб чиққан кунимиз ҳам йўловчилар жуда кўп экан. Қизиғи шундаки, уларнинг кўпчилиги асосий юмушлари қолиб, сув излаб юришибди. Чунки бу даргоҳда ҳам сув танқис. Мавжуд тўртта автоматдан иккитаси эўр-баэўр ишлаб турибди. Уларнинг биттаси стаканга сув қуйиш ўрнига ҳаво пуркайди. Йўловчилар чанқоғини қондиролмай хуноб, сув қуювчига ўшқиришади:

— Нега тузаттириб қўймайсизлар?

— Мен автомат устаси эмас, сотувчиман.

— Пулини олгандан кейин тузатиб қўйишга ҳам мажбурсан-да.

Навбатга болали хотин суқулди.

— Ҳой, иним, ёш болам билан қийналиб кетдим. Бир стакан сув узатворинг.

— Ахир ўйлаб туриш керак-да болани,— кимдир сўз отди ўртадан

— Ҳой, яшшамагур; нима деяпсан ўзи. Ахир бу неварам-ку.

Ғала-ғовур бошланиб кетди. Аёл жаҳл билан қўлига тушган стаканни ерга уриб синдирди.

— Ҳурматли фуқаролар, илтимос, бошқа навбатга турманглар. Запас стакан йўқ,— палаҳда овози эшитилди қуювчининг.

— Нима деяпсан, аҳмоқ, ҳовучимга бўлса ҳам қуясан, пулини тўладим-ку.

Азиз «Оқшом»хон, бу сафсата эмас, ҳақиқат. Агар орангизда 22 июнь куни Тошкент—Китоб поездига меҳмонларни кузатгани чиққан одамлар бўлса балки бу воқеанинг гувоҳи бўлишгандир.

Афсусланарли ери шундаки, бу катта даргоҳнинг бирор ерида табиий сув ичиш нуқтаси ҳам йўқ. Ҳеч бўлмаса одамларга бироз қулайлик яратиш мақсадида бирор сув ичгич фавворача ўрнатиб қўйилса кимнинг асакаси кетарди. Катталар-ку майли-я, ҳеч бўлмаса ёш болаларга мурувват тариқасида бу ишни бажариш мумкин эди-ку.

Бир вақтлар Эски Жўва бозорига борган одам ўзини жаннатга тушиб қолгандек ҳис этарди. Бозор ораста; ҳаммаёқ сув сепиб, супуриб-сидирилган. Сув отгич фавворачалар тиним билмай ишлар, истаган пайтда уларнинг зилол чашмасидан баҳраманд бўлишингиз мумкин эди. Бунинг устига сув дўконлари шу қадар кўп эдики, бири биридан тотли, яхна ичимликлардан ичиб, ҳузур қилардингиз. Энди-чи? Офтоб жазирамасида бу ерда юролмайсиз. Яхна ичимлик дўконлари анқонинг уруғи. Газ сув автоматлари эса аҳён-аҳёнда кўзга чалинади. Борлари ҳам тирбанд. Навбат етгунча томоғингиз қаҳраб қолади.

Бешёғоч деган гўзал масканда одамларнинг ичимлик сув излаб юришига нима дейсиз? Хоҳ ишонинг, хоҳ ишонманг, шундай катта даргоҳда бир жойдагина чанқоғингизни қондиришингиз мумкин. У ҳам бўлса номи машҳур бўлган Муқимий номли театр рўпарасида. Бу ерга ўрнатилган олтита автоматни тенг ярми ишламайди.

— Укажон, қаердан сув ичсак бўлади?—сўради қўлтиқтаёқли ногирон киши.

— Ҳов анави жойдан.

— У ер тирбанд-ку. Бошқа жойда сув автомати йўқмикан?

— Йўқ-да, ака.

— Олдинлари шаҳарнинг марказий жойларида қатор-қатор махсус митти фавворачалар бўларди. Одамлар беминнат шу зилол сувдан чанқоқ қондиришарди. Чўнтак кавлаш йўқ, пул изслаш йўқ,—дейди бизга боя-

ги киши куюниб.— Ҳозир ўша қурилмаларга ҳам қирон келди. Билмадим, улардан ном-нишон қолдирмаслик кимга керак бўлиб қолибди. Балки бу ҳам бозор иқтисодиёти даврида одамларни газ сув сотувчи автоматларга кўпроқ жалб этишнинг бир туридир. Борди-ю шундай бўлса нега автоматларнинг сонини кўпайтириб қўйишмайди.

Очиғини айтганда, «Ташлимводторг» деган ташкилот тугатилди-ю, газ сувдан барака кетди. Бу савдо ташкилоти шаҳар аҳолисини газ сув билан таъминлашни ҳарқалай бир меъёрда сақлаб турарди. Ҳамма жойга, айниқса, гавжум кўчаларга қатор газ сув автоматлари, дўконлари ўрнашган бўлиб, одамлар улар хизматидан бемалол фойдаланишарди. Ҳозир-чи? Барча жойларда ҳам бу борадаги таъминотни яхши деб бўлмади. Чунки қуйидаги ташкилотнинг йўқолишидан вужудга келган район озиқ-овқат савдоси бўлимига қарашли яхна ичимликлар корхоналари турлича фаолият кўрсатишяпти. Очиғи, уларнинг ишидан ҳамшаҳарларимиз тўлиқ қониқишмаяпти. Бунинг устига улар ҳамма районларда ҳам бирдек ташкил этилган эмас. Масалан, шаҳримиздаги бешта туманда (булар жумласига Юнусобод, Шайҳонтоҳур Мирзо Улуғбек, Чилонзор, Ҳамза туманлари киради) яхна ичимликлар корхоналари ишлаб турибди. Қолган районларда эса бу иш район озиқ-овқат савдоси бўлимлари, ошхоналар трести ва бошқа ташкилотлар зиммасига юклатилган. Ёз жазирамасида одамларни яхна ичимликлар билан таъминлашдек масъулиятли ишга бу қадар кўнгилсиз муносабатда бўлиш инсофданми? Қолаверса махсус яхна ичимликлар корхоналари фаолият кўрсатаётган районларда. ҳам ичимлик таъминотида қатор камчиликлар кўзга ташланади.

Биз шу куни Юнусобод туманига қарашли корхона ишидан бир қадар қаноат ҳосил қилдик, холос. Абдувосит Мўминов бошчилик қилаётган корхонада бу йилги мавсумда қатор ижобий ишлар амалга оширилган. Хўш, улар нималардан иборат? Биринчидан, бу ерда яхна ичимлик таъминотида узилиш йўқ. Мижозларга 23 та махсуслаштирилган дўкон, 14 та бочка, 151 автомат хизмат кўрсатмоқда.

Фақат дўкон ва автоматларнинг ўзи билан бир кунда 150 минг сўмлик савдо қилинмоқда.

Иккинчидан, бу ердаги газ-сув автоматларининг 90 фоизи жетон билан ишлаш усулига ўтган. Бу — бир нечта автомат учун битта сотувчи хизмат қилмайди, хоҳлаган одам хоҳлаган автомат хизматидан фойдаланиши мумкин, демакдир.

— Лекин ичимликларни нархи ўта ошиб кетганлиги бизни ташвишга солмоқда — дейди Абдувосит Мўминов. — Ахир бир ўйлаб кўринг, бир шиша «Тошкент» суви (шишадан ташқари) 16 сўм, «Буратино» — 39 сўм, «Пепси-кола» — 57 сўм туришини нормал ҳол деб бўладими?

Музқаймоқхоналар ҳақидаку гапирмаса ҳам бўлади. Уларда сотиладиган олдинги таъми оғизда қоладиган музқаймоқлар ҳозир анқонинг уруғи бўлиб кетган. Баҳоси арзимас пул турадиган мевали музқаймоқлар эса тобора йўқолиб боряпти. Улар ўрнини ҳам қўлбола (бу ҳам тижоратнинг бир тури-да), музқаймоқчилар эгаллаб олишган. Уларнинг баҳоси эса осмонда. Бундай маҳсулотлар сотиладиган қаҳвахонага бир марта кирган киши иккинчи қайтиб кирмайди.

Яқинда бир қадрдоним билан Карл Маркс кўчасидаги чучварахона рўпарасида жойлашган музқаймоқ хонасига кирдик. Сотувчидан иккита юз граммли шоколад кукуни (агар у шоколад бўлса) қўшилмаган музқаймоқ беришни илтимос қилдик.

— Бизда кукун қўшмай бериш мумкин эмас. — тўнғиллади сотувчи.

— Илтимос.

— Бўпти, тезроқ олинг. ҳеч ким кўрмасин.

Раҳмат айтиб «буюртма»ни олдик.

— Пули қанча бўлади?

— 430 сўм.

Пешонамиздан совуқ тер чиқиб кетди. Хайрият чўнтагимизда шунча пул бор экан. Акс ҳолда пул етмай қолиб, сотувчи олдида шармандаси бўлишимиз турган гап эди. Шеригимга «буюртма» баҳосини айтсам ишонмади.

Икки стакан шарбат олишга ботинмадик. Яна фалон пул бўлса ҳамёнимиздаги қолган сўмлар етмай қолишидан қўрқдик. Музқаймоқни тановул қилгач бу яқин ўртада газ сув автомати бўлмагани учун ичимлик ичиш мақсадида Марказий дўкон қошига чиқдик.

Навоий театри хиёбони одамлар билан гавжум. Хиёбоннинг трамвай йўлига ўтиш қисмига ўрнатилган тўртта сув қуйиш автоматидан иккитаси ишлаяпти.

— Нега ҳаммасини ишлатиб қўймайсизлар? — сўраймиз сув қуювчи-сотувчидан. (Ҳозир шунақа штат бор). Танга-ю жетонлар йўқ бўлгач улар ўрнига «махсус пульт»ни бошқарадиган, яъни, мижозлар стаканига сув тўлдириш учун электр кнопкасини босиб ўтирадиган (вазифанинг оғирлигини қаранг) басавлат кишилар шунақа масъул вазифани «муваффақият» билан уддалаб ўтиришибди.)

— Мана шу иккитаси ҳам етиб-ортаяпти. Бир стакан сувнинг баҳоси 12 сўм бўлгандан кейин мижозлар ўйлашиб ичадиган бўлиб қолишган сувни, — дейди бизга қуювчи-сотувчи.

— Муздагидан бир стакандан ичайлик.

— Беригиси муздек.

Во ажаб, 12 сўмлик сувда на маза бор, на матра. Агар олдинги 3 тийинлик даври бўлса ҳеч ким ичмасди бунақа сувни. На иложки пулингиз куйгандан кейин «аччиқ гармдорини чайнашга» мажбур бўларкансизда.

Қайси бири мазали эканлигини синаш учун шу атрофда ўрнатилган учта газ-сув автоматларининг ҳаммасидан бир стакандан сув ичиб кўрдик. Энг сифатлилиги Марказий дўконнинг ўнг томонидаги эшик олдига ўрнатилган автомат суви экан.

Таъбимиз тирриқ бўлиб, «Олой» бозори томон юрдик. Автобус бекатидаги газ-сув дўкони ҳали соат олти бўлмасданоқ бекилибди. Трамвай бекатида бочкада нок сувидан тайёрланган ичимлик сотиляпти. Баҳоси 17 сўм. Шунақа сувни уч-тўрт жойда 16 сўмдан сотилаётганини кўрганимиз учун сотувчи боладан сўрадик.

— Нега 17 сўм?

— Суриштириб нима қиласиз. Хоҳламасангиз ичманг.

Бу энди қанақа муомала бўлди? Тушунтириш йўқ, кечирим сўраш йўқ. Бу ҳам етмагандек мижозлар бизга таъна қила кетишди.

— Шунисига ҳам шукр қилсаларинг-чи. Бу атрофда пули қиммат бўлса ҳам фақат шу бола сотаяптику ичимликни. Агар у ҳам бўлмаса қайга югурардик? Олдингидек, водопроводдан сув шовиллаб оқиб турмаган бўлса.

Бизнинг таънамиз ичимлик сотувчи болага оғир ботди шекилли, у ҳам жаҳл аралаш «дўкони»ни апил-тапил беркитди. Мижозларнинг: «ҳали вақт эрта-ку, бироз ишлаб турсанг бўларди», деган сўзларига: «Барибир яхшиликни билмайсизлар», деган пичинг билан тагидаги ўтирғични қўлтиқлаб жўнаб қолди.

Кўп ўтмай бекатга болали аёл келиб тўхтади. Унинг ёнидаги уч-тўрт ёшлар чамасидаги қизалоқ ичимлик бочкасини кўриб хархаша қила кетди.

— Ойижон, сув.

Бекатдагилар бизга ўқрайди... Қиссадан ҳисса, ҳозир ўлкамизда ёз фасли ҳукм сурмоқда. Ҳарорат борган сари кўтарилиб боряпти. Табиийки, шунақа иссиқ кунларда муздек сувга эҳтиёж ортади. Бундай вақтда бир пиёла сув ҳар қандай табиат инъомидан ҳам афзал ҳисобланади. Шундай экан, ҳамиша ўзининг мусаффо ҳавоси, тиниқ ва зилол сувлари билан дунёга машҳур бўлган республикамизда ва унинг пойтахти Тошкент кўчаларида сув сероб бўлса дейлмиз. Айниқса шу иссиқ дамларда одамлар муздек сувга зор-интизор бўлмасалар дейлмиз.

Маҳмуд КОМИЛЖОНОВ.

■ СУРАТЛАРДА: ёз жазирамасида қуёш тиғида музқаймоқ ва газ-сув учун навбат кутиш ҳар қандай кишига малол келади.

Андрей Пишненко суратлари.

Муҳаррир
Эркин ЭРНАЗАРОВ.

ТИЖОРАТ ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪЛОНЛАР

КОРХОНАЛАР ВА МУАССАСАЛАРНИНГ РАҲБАРЛАРИ ВА АҲОЛИ ЭЪТИБОРИГА!

ТРАНСПОРТ, ЭЛЕКТР ЭНЕРГИЯ, БОШҚА МОДДИЙ-ТЕХНИКА ХАРАЖАТЛАРИНИНГ КЕСКИН ОШИШИ ВА БОШҚА ДАВЛАТЛАРНИНГ АЛОҚА МАЪМУРИЯТЛАРИ БИЛАН ЎЗАРО ҲИСОБЛАШУВЛАРДАГИ ХАРАЖАТЛАРНИ ҲИСОБГА ОЛИБ

1993 ЙИЛНИНГ 1 ИЮЛИДАН БОШЛАБ АЛОҚА ХИЗМАТЛАРИГА ЯНГИ ТАРИФЛАР КИРИТИЛДИ

Алоқа хизмати турлари	Қозоғистон, Тожикистон, Қирғизистон, Туркманистон				Озарбайжон, Арманистон, Грузия, Беларусь, Россия, Молдова, Украина			
	поездда		самолётда		поездда		самолётда	
	корхона учун (сўм ҳисобида)	аҳоли учун (сўм ҳисобида)	корхона учун (сўм ҳисобида)	аҳоли учун (сўм ҳисобида)	корхона учун (сўм ҳисобида)	аҳоли учун (сўм ҳисобида)	корхона учун (сўм ҳисобида)	аҳоли учун (сўм ҳисобида)
Посилкалар								
Вазни 1 кг.гача	500	300	930	520	1446	620	1778	763
1 кг.дан 3 кг.гача	990	530	1400	670	2158	890	2784	1148
3 кг.дан 5 кг.гача	1260	830	2100	1090	3235	1137	6917	1728
5 кг.дан 10 кг.гача	2800	1300	3600	1800	5157	1501	7735	2582
Майда пакет								
Вазни 100 г.гача	100	100	180	180	120	120	350	350
Оддий бандеролллар								
Вазни 20 г. гача	50	50	100	100	60	60	110	110
Оддий хатлар								
Вазни 20 г.гача	50	50	100	100	50	50	100	100
Почта карточкалари	40	40	60	60	40	40	60	60
Буюртмали хатлар								
Вазни 20 г.гача	90	90	140	140	90	90	140	140
Телеграммалар	оддий		зудлик билан		оддий		зудлик билан	
Ҳар бир сўзга	4		12		6		18	

ИЛОВАЛАР: 1. Юқоридаги кўрсатилган оддий хатлар ва почта карточкалари жўнатиш нархи бошқа хорижий мамлакатларга ҳам тегишли.
2. Почта жўнатмалари, нархлари Ўзбекистон Республикасида ўзгармасдан қолаверади.
3. Почта жўнатмаларининг нархлари ҳақида тўлиқ маълумотни алоқа бўлимларидан олишингиз мумкин.

«ТОШКЕНТ ПОЧТАСИ»
ДАВЛАТ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ КОРХОНАСИ.

3-ТРАМВАЙ-ТРОЛЛЕЙБУС ДЕПОСИ

Кондуктор, трамвай ҳайдовчилари ва электрчи чилангарларни

ИШГА ТАКЛИФ ҚИЛАДИ

Агар сиз трамвай ҳайдовчи, электр чилангар касбига эга бўлмасангиз, у ҳолда бу касбларни Сиз

ДЕПОДА ЖОЙЛАШГАН

23-ҲУНАР-ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТИ ҚОШИДАГИ

курсларда ўқиб

(20 ёшдан) БИЛИМ ОЛИШИНГИЗ МУМКИН.

Трамвай ҳайдовчиси касбига ўқиш муддати — 5 ой; электр чилангарларга — 3 ой.
Курс ўқувчиларининг ўқиш давомидаги стипендиялари — 9.465 сўм, трамвай ҳайдовчиларининг тажриба муддатини ўташ даврида — 13.354 сўм.

БИЗДА ИШЛАСАНГИЗ:

КОНДУКТОРЛАР — 20.000 сўмгача;
ТРАМВАЙ ҲАЙДОВЧИЛАРИ — 55.000 сўмгача;
ҲАРАКАТ ТАРКИБИ БЎЙИЧА ЭЛЕКТР ЧИЛАНГАРЛАР — 36.000 сўмгача иш ҳақи олишингиз ва қуйидаги имтиёзларга эга бўлишингиз мумкин:
ТРАМВАЙ ҲАЙДОВЧИЛАРИ: аёллар 50 ёшдан, эркаклар 55 ёшдан пенсияга чиқади,

6 кунгача бўлган қўшимча таътилга;
трамвай-троллейбусларда бепул юриш ҳуқуқига эга бўласиз;
йиллик иш якунлари бўйича 13 ва 14-маошларни оласиз;
жисмоний соғломлаштириш мажмуасида шуғулланишингиз;
Сирдарё бўйидаги дам олиш масканида дам олишингиз;
— фарзандларингиз ёзги соғломлаштириш лагерларида дам олишлари мумкин.

Бизнинг манзилимиз: Темур Малик кўчаси, 3 «а» уй. БИЗГА: 17, 71, 83, 96-автобуслар, 6, 13, 22-трамвайлар, 9, 18-троллейбуслар билан («Чимён» бекатигача) келишингиз ёки қуйидаги телефонлар орқали қўнғироқ қилишингиз мумкин: 63-28-97—**ходимлар бўлими**, 63-38-95—**қабулхона**, 63-38-93 — **23-ХТБЮ.**



33-29-33 — Солиҳ ЁҚУБОВ, мударриф ўринбосари
33-57-02 — Раҳматулла ФАЙЗУЛЛАЕВ, масъул котиб
32-55-21 — Марғуба АКРОМОВА, масъул котиб ўринбосари

БЎЛИМЛАР

◎ Ижтимоий-сиёсий муаммолар
32-55-83 — Диншод ИСРОИЛОВ, мудир
32-53-66 — Машкура МИРЗАМУҲАМЕДОВА, мухбир.
32-53-66 — Эрнин ЭСИРГАДИЕВ, мухбир.

◎ Иқтисодиёт ва ҳаёт
32-57-84 — Маҳмуд КОМИЛЖОНОВ, мудир
32-54-34 — Гулзода МАМБЕТОВА, мухбир
32-54-34 — Гулнор ЮСУПОВ, мухбир

◎ Фан, маданият ва ахлоқ
32-54-19 — Саъдулла ШОДИЕВ, мудир
32-55-52 — Абдумаҳмон АБДУРАҲМОНОВ, мухбир
32-55-52 — Нозиқа СОДИҚОВА, мухбир

◎ Адабиёт ва санъат
32-53-10 — Темур УБАЙДУЛЛАЕВ, мудир
32-56-81 — Зоир ТУРСУНОВ, мухбир.

◎ Ахборот ва спорт
32-53-66 — Шуҳрат ЗОКИРОВ, мухбир.

◎ Хатлар
33-29-70 — Зуҳра АЪЗАМХЎЖАЕВА, мудир
◎ Эълонлар
33-81-42, 32-57-27

Ўзбекистон Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги

ТОШКЕНТ ТОПОГРАФИЯ ТЕХНИКУМИ

қуйидаги ихтисослар бўйича

КУНДУЗГИ БЎЛИМГА

ЎҚУВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

техник-аэрофотогеодезист, техник-картограф, амалий геодезия техники — 10—11-синф маълумоти билан.

Ўқиш муддати — 2 йилу 6 ой;
техник-аэрофотогеодезист, техник-картограф — 8-9-синф маълумоти билан.
Ўқиш муддати — 3 йилу 6 ой.

АРИЗАЛАР — 15 АВГУСТГАЧА ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.

Аризага қуйилаги ҳужжатлар илова қилинади: маълумоти тўғрисида ҳужжат (асли), 086/У шаклидаги тиббий маълумотнома, 3х4 см. ўлчамли 6 та фотосурат, меҳнат дафтарчаси нусхаси (ишловчилар учун).

Кирувчилар паспорт ёки туғилганлик тўғрисида гувоҳнома, ҳарбий билет ёки ҳарбий рўйхатдан ўтганлиги тўғрисидаги гувоҳномани шахсан кўрсатадилар.

Кириш имтиҳонлари — 1 августдан 20 августгача.

8-9-синфлар негизида — **ўзбек** (рус) **тили** (диктант), **математика** (оғзаки)**дан;**

10—11-синфлар негизида — **ўзбек** (рус) **тили** (диктант), **математика** (оғзаки)**дан топширилади.**

Ўзлаштирувчи ўқувчилар стипендия билан таъминланадилар, аълочилар ва «яхши» баҳога ўқувчилар ошириллган стипендия оладилар.

БОШҚА ШАҲАРДАН КЕЛГАНЛАРГА ЕТОҚХОНАДАН ЖОЙ БЕРИЛАДИ.

Техникум манзили: Тошкент шаҳри, 125-алоқа бўлими, Академик Ҳ. Абдуллаев кўчаси, 82-уй (6, 13, 22-трамвайлар; 9, 18-троллейбуслар; 17 «э», 83-автобусларнинг «Маданият институти бекати). Телефонлар: 62-57-87, 62-57-78, 62-57-76, 62-57-80.

8-ҲУНАР-ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТИ

Агар Сиз Ўрта Осиёдаги энг йирик корхоналардан бири бўлмиш Тошкент авиация ишлаб чиқариш бирлашмасида ишлашни ёки Тошкент Давлат Техника университетида ўқишни хоҳласангиз

8-ТАЖРИБАВИЙ ҲУНАР-ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТИГА

ЎҚИШГА КЕЛИНГ!

Бу ўқув даргоҳида Сиз учиш аппаратларини йиғувчи-чилангар, кенг қамровли дастгоҳчи, автомобилларга техника хизматини кўрсатувчи чилангар, «В» ва «С» тоифали ҳайдовчи, авточилангар-механик-йиғув ишлари чилангари, саноат ускуналарини таъмирловчи чилангар-авточилангар, рақамли дастур воситасида бошқариладиган дастгоҳларнинг операторлари, механик-йиғув ишлари бўйича чилангар-токарь, фрезерчи.

ЎҚИШ ЎЗБЕК ВА РУС ТИЛЛАРИДА ОЛИБ БОРИЛАДИ.

9-синфларнинг битирувчилари 3 йил мобайнида ўрта маълумот ва касб эгалланадиган тажрибавий гуруҳларда таълим оладилар.

8-9-синфларнинг битирувчилари бир ва икки йиллик гуруҳларда ўқиб, ишчи малакасини эгаллайдилар.

11-синфларнинг битирувчилари ойига 3000 сўмда стипендия олган ҳолда атиги 6 ой ичида касб-ҳунар эгаси бўлиб чиқишади.

Ўқиш даврида ўқувчилар овқат, кийим-бош билан таъминланадилар. Улар Тошкент авиация ишлаб чиқариш бирлашмасининг пансионатлари ва сиҳатгоҳларида дам олиб, ўз соғлиқларини тиклаб олишлари мумкин.

ЎҚИШ ДАВРИ МЕҲНАТ ФАОЛИЯТИГА ҚЎШИБ ҲИСОБЛАНАДИ.

Билим юртини «аъло» баҳолар билан битирганлар Тошкент давлат Техника университетига ва учувчилик авиация билим юртларига ўқишга юборилади.

Муддатли ҳарбий хизматни ўтаб қайтган, бошқа шаҳарлик ўқувчиларга Тошкент авиация ишлаб чиқариш бирлашмасининг қулай ва шинам ётоқхонасидан жой берилади.

ДИҚҚАТ ҚИЛИНГ!
ЭЪТИБОР БЕРИНГ!

Билим юртимиз шаҳар марказида жойлашган бўлиб, унга 10, 23; 27-трамвайлар; 18-автобус; 1, 10, 14, 18, 22, 24-троллейбусларда осонгина бориш мумкин («Турон» меҳмонхонаси бекати).

Манзилимиз: 700128, Тошкент шаҳри, У. Юсупов кўчаси, Авиация тор кўчаси, 10-уй. **Телефон** 41-75-54.

Ўзбекистон журналистлар уюшмаси бошқаруви кенгаси журналист

Абдулла УРАЗАЕВнинг

вафот этганлиги муносабати билан марҳумнинг оиласига ва қариндош-уруғларига чуқур таъзия изҳор этади.



МУАССИСЛАР: Халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгаши ва «Тошкент оқшоми» журналистларининг жамоаси

Тошкент оқшоми

Газета Ўзбекистон Республикаси Давлат матбуот комитетида рўйхатга олинган. Рўйхат сони — 000101.

Шанба ва якшанбадан ташқари ҳар куни ўзбек тилида чиқади.

ТЕЛЕФОНЛАР: хатлар — 33-29-70; эълон ва тижорат хабарларини жойлаштириш масалалари бўйича 32-81-42, 32-55-34, 33-56-67.

Эълонлар ва тижорат хабарлари аниқ ва тўғрилиги учун жавобгарлик уларни берган ташкилот ва шахслар зиммасидадир.

МАНЗИЛГОҲИМИЗ: 700000, ГСП, Тошкент, Ленинград кўчаси, 32-уй.
Буюртма Г—120. 19899 нусхада босилди, ҳажми — 2 босма табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Нашр кўрсаткичи 64690.

■ Босмага бериш вақти 11.30 ■ Босмага берилди 12.15. Ўзбекистон Республикаси Президенти Маҳкамасининг Ишлар бошқармаси ҳузуридаги «Шарқ» нашриёт-матбаа концерни. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй. 1 2 3 4 5 6

Буюртма Г—226. 19019 нусхада